

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ УЛУҒБЕКНИНГ

**5230100 –“Иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

**“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ
ҲИСОБНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”
мавзусидаги**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Рахбар: доц. О.Райимбердиева

ГУЛИСТОН 2017

	МУНДАРИЖА	
	КИРИШ	3
I. БОБ	Корхоналарда молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини ташкил этиш асослари, ҳисоб сиёсат ва халқаро тажрибалар	10
1.1	Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимининг шаклланиш асослари	10
1.2	Корхона ҳисоб сиёсати ва унинг элементлари	14
1.3	Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро тажрибаси ва уни Ўзбекистон амалиётига қўллаш истиқболлари	21
II. БОБ	Ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятининг молиявий ва иқтисодий ҳолати	37
2.1	Бозор муносабатлари шароитида молиявий ҳисоботнинг айрим муаммолари ва улар таҳлилини ташкил этиш	37
2.2	Корхонанинг молиявий салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили	44
2.3.	Корхонанинг иқтисодий салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили	54
III. БОБ	Ишлаб чиқариш корхонасини бошқаришда молиявий ҳисоб ва ҳисоб юритишни такомиллаштириш	62
3.1.	Жорий активлар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш	62
3.2.	Хусусий капитал шаклланиши ва унинг ҳисобини такомиллаштириш	65
3.3.	Мажбуриятлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўналишлари	76
	Хулоса ва таклифлар	79
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	84

Кириш

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг қисқа давр ичида республикаimizни иқтисодини юксалтириш учун бир қатор иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва уни ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий шарт-шароитлар яратилди. Ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг «Барча ислохотларнинг - иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат» деган фикрлари амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадининг ифодасидир.

Иқтисодиёт соҳасида қилинган энг муҳим қадамлардан бири бу Харакатлар стратегияси ҳисобланади. “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш зарур”.¹

¹ “Ўзбекистонни Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017 й, 6 –сон.

Ана шу мақсад сари интилишлар ижтимоий–иқтисодий ҳаётимизнинг муҳим соҳаларида - фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш ва бошқаларда намоён бўлмоқда. Уларнинг самараси сифатида мамлакатимиздаги умумий тараққиёт босқичини тан олмоғимиз даркор. Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашган сари ўзгаришлар барча соҳаларни янада кўпроқ қамраб олмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг навбатдаги босқичида «бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шarti бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш» устувор йўналишлардан бири деб белгиланади.² Бу йўналиш иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг «муҳим шarti бўлган хорижий инвестициялар, аввалом бор, хусусий сармояларини жалб этиш, бунинг учун тегишли инвестицион муҳит ва инвесторлар учун қафолатлар яратиш бу борада, айниқса, қатта аҳамиятга эга» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида белгиланган вазифалар, кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисоби ва уни такомиллаштиришга бевосита алоқадордир. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби ахборот тизими сифатида ана шу ахборотдан фойдаланишни, жумладан инвесторларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти тўғрисидаги молиявий маълумотлар билан таъминланиши лозим. Ахборот билан таъминланиш функциясини бухгалтерия ҳисоби фақат молиявий ҳисоботларни тақдим этиш орқалигина амалга оширилади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Тараққиётнинг ҳар бир босқичи – бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлида янги вазифалар демакдир» Бунда таъкидлаш лозимки замонавий молиявий ҳисоботлар ва уларни тайёрлаш

² Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар ва дастур.– Т.:, 13-б, «ЎАЖБНТ» Маркази, 2002

вазифаси юклатилган молиявий хисоб тизимида ҳам ўзига яраша муаммолар мавжуд. Бундан ташқари, мавжуд молиявий хисоб ва хисобот тизимини янада такомиллаштириш, нафақат инвестицион мухит ва инвесторлар учун, балки хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари учун ҳам энг асосий кафолатлардан биридир. Энг муҳими шуки, мустақилликнинг дастлабки йиллари республикамизнинг ўз тараққиёт йўлини фаол излаш, Ватанимизни эркин, кучли ва раванқ топаётган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришишида, иқтисодий стратегияни амалга ошириш учун энг аввало ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш ва унга ўтишнинг стратегик йўналишини белгилаб олиш муҳимдир.³

Бугунги кунда иқтисодиётимизга бозор элементлари ва халқаро тажрибаларнинг тадбиқ этилиб бориши барча хўжалик механизмини такомиллаштиришни ва уни ахборот таъминотининг асоси бўлган молиявий хисоб, хисоб тизими ва уни юритиш соҳасида туб ислохотларни ўтказиш зарурияти юзага келтиради.

Маълумки, яқин йилларгача хисоб тизими фақатгина хўжалик муомалаларини қайд қилиш ва хисоб хужжатларини сақлаш воситаси бўлибгина хизмат қиларди. Бу, албатта, маъмурий-буйруқбозлик даврига хос бўлган элементлардан бири эди. Бозор муносабатларига ўтиш эса бухгалтерия хисобининг ҳақиқий вазифаларининг нақадар серқирра эканлигини янада кенгроқ очиб берди. Биринчидан, бухгалтерия хисоби хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришнинг ажралмас бўлагига айланди. Иккинчидан, турли хил фойдаланувчиларни бухгалтерия ахборотлари билан таъминлаш марказий масалалардан бирига айланди ҳамда замонавий бухгалтер фақатгина хисоб ишларини юритибгина қолмай, балки бухгалтерия маълумотларини таҳлил қилиш, корхона иқтисодий ҳолатини тавсифловчи турли

³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., «Ўзбекистон», 1995, 119б.

хил коэффициентларни ҳисоблаш, хўжалик ситуацияларига баҳо бериш, корхона истиқболини белгилай олиши керак. Бундан ташқари малакали замонавий бухгалтер аудиторлик фаолияти билан шуғуллана олиши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳияти ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар етакчи бўлиб, фойдаланувчиларнинг турли тоифалари: таъсисчи, акциядор, кредитор, инвестор, мол етказиб берувчилар ва бошқалар манфаатларини қамраб олади. Бунда фойдаланувчиларнинг ҳар бир тоифаси корхона молиявий ҳолатини баҳолашда ўз манфаатларидан келиб чиқади ва ўз мезонларига амал қилади.

“Бу ўринда гап фақат экспорт ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари ҳақида бораётгани йўқ. Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. Булар - мамлакатимизда яра- тилган технологияларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, «ноу-хау» намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир”.⁴

Ҳозирги даврда бухгалтерия ҳисоботининг асоси бўлган молиявий ҳисоб ва молиявий таҳлил корхоналар фаолиятини бошқаришда зарур бўлган керакли маълумотларни етказиб бериш, тўғри ва мукамал бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий манба бўлиб ҳисобланади, яъни корхонада бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг тўғри йўлга қўйилиши, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини оширишга, юқори самарали фаолият кўрсатишга, турли рақобатчилар майдонида енгиб чиқиб, юқори фойда олишга имконият яратади.

Ҳисоб ишларининг қай даражада йўлга қўйилганлиги корхонанинг молиявий ва бошқарув ҳисобига таъсир этади.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиригининг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. –Ўзбекистон. НМИУ, 2017.

“Иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга дойр комплекс масалаларни ҳал этиш - ҳукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланади”.⁵

Республикада молиявий ҳисоб ва таҳлилнинг тартибга солиш учун мустақкам қонунчилик тизими ташкил этилди: жумладан, Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун (1996 йил, 30 август), «Махсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» (1999 йил, 5 феврал), «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» (1998-2001 йил) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада қатор иқтисодий муаммолар ҳал этилди. Молиявий ҳисобни ташкил этишнинг услуби ва услубиётини ўзлаштириш асосий мақсад миллий ва хорижий мутахассисларни ҳисоб сиёсати ва ҳисобот ахборотларини тушунишларидаги фарқни бартараф қилиш, молиявий ҳисобни меъёрий тартибга солувчи миллий тизимини яратиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ягона концепциясини яратиш ва уларни иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш заруриятидан иборатдир. Бу мақсадга эришиш учун бухгалтерия ҳисобининг асоси ҳисобланган молиявий ҳисобни ва унинг таҳлилинини амалга ошириш, бунда янги усуллардан фойдаланиш, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ёрдамида фойдаланилмаётган резервларни қидириб топиш ва уларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, шу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади молиявий ҳисоб ва таҳлилнинг такомиллаштиришнинг услубий йўллари аниқлашдан иборатдир. Шу билан бирга унда корхоналар фаолиятида молиявий ҳисобни

⁵ Ш.Мирзиев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ, 2016

ташқил этиш концепцияси ва молиявий таҳлилнинг усуллари ўрганилиб, тармоқ хусусиятини ҳисобга олган ҳолда халқаро ва миллий андозаларга мослаштиришга ҳаракат қилинди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарда молиявий ҳисобининг назарий ва амалий жиҳатлари, уларни ташқил қилишни хорижлик олимлардан Х.Андерсон, К.Друри, Б.Нидлз, Д.Колдуэлл, Д.Кэмпбелл, Дж.Стоунхаус, Дж.Фостер, Ч.Хорнгрен, Б.Хьюстон, МДХ олимлари Р.В.Борисов, М.А.Вахрушина, В.Б.Ивашкевич, Т.П.Карпова, Н.В.Козлюк, Н.П.Кондраков, Ю.А.Мишин, В.Ф.Палий, С.Н.Угримов, А.Д.Шеремет ҳамда ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.А.Абдуғаниев, Р.Д.Дусмуратов, О.М.Жуманов, Д.У.Мамадияров, А.А.Каримов, А.Х.Пардаев, Б.Х.Пардаев, М.М.Тўлахўжаева, Б.А.Ҳасанов, Р.О.Холбеков, К.Б.Ўрозов, З.Н.Қурбонов ва А.А.Хашимовлар ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг **мақсади** ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий ҳисобни ташқил этиш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилашдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **асосий вазифалар белгиланди ва ечилди:**

- мавзуга тегишли қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, иқтисодчи олимлар адабиётларни назарий жиҳатдан ўрганиш;

- корхоналарда молиявий ва бошқарув ҳисобини йўлга қўйишнинг зарурияти илмий жиҳатдан ёритиш;

- корхоналарда молиявий ва бошқарув ҳисобини фарқлашни аниқ таснифлаш;

- молиявий ҳисобни объектларини белгилаш;

- молиявий ҳисобни ташқил этишнинг услубий асосларини ўрганиш;

- корхоналарда молиявий-иқтисодий салоҳияти кўрсаткичларини таҳлил этиш;

- корхона иқтисодий ва молиявий салоҳияти курсаткичларини ҳисоблашни амалиётга киритиш.

- молиявий ҳисобнинг концессиялари ва андозоларини халқаро ҳисоб стандартлари асосида белгилаш;

-молиявий ҳисобда активлар ва пасивлар ҳисоби ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилди;

-корхона иқтисодий ва молиявий салоҳиятини баҳолаш йўлларини кўрсатиб бериш;

- назарий билим ва амалий материаллар таҳлили натижаларини умумлаштирган ҳолда корхоналарни бошқаришда молиявий ҳисоб ва ҳисоб юритишни такомиллаштириш борасида мустақил хулоса ва таклифларни баён этиш.

Ишнинг объекти қилиб Вилоят ишлаб чиқариш корхоналари олинди. Таҳлилий ҳисоботлар асосан кичик ишлаб чиқариш корхоналари мисолида ўрганилган, предмети қилиб эса, турли мулкчилик тизимига кирувчи корхоналарда молиявий ҳисоб ва таҳлилни йўлга қўйиш ва юритишнинг муҳим элементлари олинди.

Ишни назарий жиҳатдан ёритилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлари, қарорлари, Президент фармонлари, асарлари ва чоп этилган ўқув адабиётларидан ҳамда битируволди амалиётини ўтган корхонасининг ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.

Илмий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иш кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 86 бетдан ташкил топган.

I БОБ. КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ ХИСОБ ВА ХИСОБОТ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ, ХИСОБ СИЁСАТИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимининг шаклланиш асослари

Республикада давлат мустақиллигига эришилган даврдан бошлаб бозор иқтисодиёти талаблари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро андозаларига мувофиқлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби тизими босқичма босқич ислоҳ қилиб келинмоқда. Ушбу ислохотни иқтисодий, фуқаролик-ҳуқуқ соҳасида юз бераётган жараёнлар ва бухгалтерия ҳисоби бобида жаҳон доирасида уйғунлаштириш зарурияти тақозо этди. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби фақат ҳисоб юритиш ва статистика вазифасини бажарибгина қолмайди, балки манфаатдор томонлар, масалан, улар тасарруфида мавжуд бўлган молиявий ресурслардан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш тўғрисида ҳолис ва асосланган қарор қабул қилиб олиши учун хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўғрисида ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ва узатиш воситасига айланади. Бунда бухгалтерлар ишига қўйиладиган талаблар тубдан ўзгарди, улар хўжалик операцияларини қайд этувчилик ролидан воз кечиши ва кўп даражада таҳлилчи ҳам, башоратчи ҳам бўлиши шарт. У раҳбарга молиявий ахволининг барқарорлигини оширишга имкон берадиган йўللарни кўрсатиб бериши, иқтисодий таҳлил, умуман корхонанинг пул оқимлари ва молиясини бошқариш билан, яъни молиявий менежмент билан шуғулланиши керак. Мазкур ишни амалга оширишда янги йўналишларни ўрганиш зарурияти етилди. Буни кўриб чиқиш учун қуйидаги чизмага эътибор берамиз.

Молиявий ҳисобот тизимининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилувчи ва уни белгилаб берувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлигини бундай кўринишда тасвирлашимиз сабаби шуки, бухгалтерия ҳисобида жамиятдаги барча ўзгаришлар акс этади. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисоби орқали бу

Ўзгаришлар амалга оширилади, десак муболаға бўлмайди. Хисобнинг ҳар бир бўлими ва аналитик услубларининг кўпчилиги амалда янгича назарий, услубий ёндашишни ва асослашни талаб қилади. Бозор бизнинг кўп тасаввурларимизни ўзгартириб юборди, муаммоларни ечиш йўллари, фойдаланадиган фикр доиралари кенгайди. Ўзбекистон бозорида фаолият олиб бораётган қўшма ва чет эл корхоналарининг сони муттасил ортиб борар экан, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш моҳиятан кечиктириб бўлмайдиган талабга айланади.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш тарихига назар ташлаш орқалигина ҳозирги кунда таркиб топган молиявий ҳисобот тизимига таъсир этган омилларни асослаб бериш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш босқичлари қуйидаги иқтисодий ривожланиш босқичлари билан боғлиқдир:

1. 1987–1991 йиллар. Собиқ Иттифоқнинг барҳам топиши, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва бухгалтерия ҳисоби тизимининг ислоҳ қилинишининг зарурияти.

2. 1991–1992 йиллар. Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши ва бозор иқтисодиётининг негизлари шакллана бошлаши. Бухгалтерия ҳисобининг аудиторлик деган тушунчаси кириб келган ва 1992 йил 9 декабрда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 15 моддадан иборат қонун қабул қилинган.

3. 1992–1994 йиллар. Турли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг йўлга (акциядор корхоналар, кичик корхоналар, қўшма корхоналар) қўйилиши, солиқ қонунчилигининг дастлабки ривожланишига бориб тақалди. Фойда кўрсаткичи тўлиғича эски тартибда ҳисобланган пайтда (Фойда - Даромадлар – Харажатлар) солиқ туловчилар сони камай борган давр эди. Шу муаммони ҳал қилиш мақсадида 1994 йил 26 мартда «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди.

4. 1995–1996 йиллар. Бозор муносабатларининг янада ривожланиши, кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлик фаолияти қамровининг, иқтисодиётда эркинликнинг янада кенгайиши натижасида халқаро иқтисодий алоқалар ривожланиши ва мулкдорлар синфининг ташкил топа бошлаш даври бўлди. Солиқ сиёсати бўйича юқорида кўрсатилиб ўтилган муаммони хал қилиш, яъни харажатлар таркибини тартибга солиш, уларнинг самарадорликни рағбатлантириш ролини ошириш вақти келди ва 1995 йил 27 январда «Сотилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархига киритилган харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди ва у 1995 йил 1 январдан кучга кириши кўрсатиб ўтилди. 1998 йил 5 февралда ушбу Низом қайта ишлаб чиқилган, унга кўшимча ва ўзгартиришлар киритилган.

Бу ўз навбатида дастлабки натижаларни берди. Солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш тартиби тубдан ўзгартирилди. Янги Низом хўжалик юритувчи субъектларни самарали ишлашга ундади, чунки харажатлар таркибига самарадорлик нуқтаи назаридан чегара қўйилди.

1. 1996–1997 йиллар турли мулкчиликка асосланган корхоналар сони кўпайиб борди. Бухгалтерлар ўз ҳуқуқи, мажбуриятлари ва жавобгарликларини тўлиқ англаб етмаганди. Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби молиявий ҳисобот тузиш мақсадидагина юритиларди, лекин ҳисобнинг бошқарувдаги, самарадорликни таъминлаш мақсадидаги роли сусайиб кетди. Ушбу муаммони хал қилишда Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 24 моддадан иборат бўлган қонуни ишлаб чиқилиши ниҳоят даражада ахамиятли бўлди. Бу қонунда бухгалтерия ҳисобининг учта асосий вазифаси белгилаб берилган:

2. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулк ҳуқуқлари ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

3. Самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия хисоби маълумотларини умумлаштириш, молиявий, солиққа доир ва бошқа хисоботларни тузишдан иборатдир. Шунингдек, қонунда бухгалтернинг вазифаси фақат молиявий хисобот тузишгина эмас, балки бошқарув учун ахамиятли ахборотни тақдим этиш ҳам эканлигини алоҳида уқтириб ўтилган.

1. 1997–1998 йиллар ташқи иқтисодий алоқаларнинг кучайиши, қўшма корхоналар сони ортиб бориши, хорижий инвестициялар янада кўпроқ кириб келиш даври бўлди. Бухгалтерия хисобида товар-моддий захиралар баҳосининг тинимсиз ўзгаришларини, асосий воситалар амортизациясини тезлаштирилган усулда олиб борилиши ва бошқа янги ҳолатларни молиявий хисоботларда акс эттириш муаммолари пайдо бўлди. Бундан ташқари, хорижий ҳамкорлар молиявий хисоботлари билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тузилган молиявий хисоботларнинг услубий жиҳатдан мос келмаслиги бошқарув муаммоларига олиб келди. Бу эса бухгалтерия хисоби халқаро андозаларини ўрганишни ва керак бўлса, улар асосида миллий андозаларни ишлаб чиқиш заруриятини тугдирди. 1998 йилдан бухгалтерия хисоби миллий андозаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёни бошланди.

2. 1998 йилдан бозор иқтисодиётида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, жумладан ташқи иқтисодий фаолият ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг янада кучайиши жараёни кузатилди ва давом этмокда. Бу эса бухгалтерия хисобида халқаро тизимга интеграциялашувни, демак, халқаро андозаларни ўрганиш, ислоҳотни жадал давом эттиришни талаб этди. Ҳозир бухгалтерия хисоби халқаро андозаларига асосланган миллий андозалар босқичма-босқич амалиётга жорий этилмокда. Шу билан боғлиқ ҳолда аудиторлик фаолиятига эътибор кучайтирилди. 2000 йил 26 майда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бозор иқтисодиётини демократик чуқурлаштиришда бухгалтерия хисобининг халқаро тизим билан уйғунлашуви давом эттирилмокда.

1.2. Корхона ҳисоб сиёсати ва унинг элементлари

Мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобининг ривожланишига услубий ва ташкилий жihatдан катта ўзгаришлар рўй берган. Ушбу даврда бухгалтерия ҳисобининг марказлаштирилган режали иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган ҳисоб тизими шакллантирила бошланган. Бухгалтерия ҳисоби янги тизимининг шаклланишига энг аввало мамлакатимизда дунёнинг бошқа мамлакатлари билан олиб борилаётган ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларининг ахамиятини алоҳида таъкидлаш зурур. Чунки ушбу иқтисодий муносабатларнинг бевосита таъсири остида мамлакатимизда амал қилинаётган қонунлар ва корхоналарнинг молиявий фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга ва уларнинг аксариятини батамом янгидан яратишга тўғри келмоқда.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг бозор муносабатлари талаблари асосида ислоҳ қилишнинг тўртта босқичда амалга оширилиши режалаштирилган:

1. Бухгалтерия ҳисобининг қонуний асосларини яратиш;
2. Бухгалтерия ҳисоби тўғриисдаги қонун асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш;
3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини қўллаш бўйича йўриқнома ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;
4. Юқоридаги қонуний ва меъёрий ҳужжатлар асосида корхоналарнинг иш ҳужжатларини яъни корхоналарнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш. Ушбу дастур асосида республикамизда бухгалтерия ҳисобининг услубий ва ташкилий масалалари бўйича анча ишлар қилинди. Жумладан, «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги Низом, «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши таркиби тўғрисида»ги Низом,

«Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги қонуни, «Бухгалтерия хисобининг миллий андозалари». 1- сонли «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот» 2- сонли, 3- сонли, 4- сонли, 5- сонли каби қонуний ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Бу ҳужжатлар ичида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонуни» нинг бухгалтерия хисобини ривожлантиришдаги роли бекиёсдир, чунки ушбу қонуний ҳужжатларда биринчи марта республикада бухгалтерия хисобининг ҳуқуқий асосларини яратиш билан биргаликда корхона раҳбарлари ва мутахассисларга бухгалтерия хисобининг услубий ва ташкилий масалаларини ечишда етарли даражада ҳуқуқ ва имтиёзлар берилди. Ушбу ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби эса «Бухгалтерия хисобининг миллий андозлари»нинг 1- сонли «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот» андозасининг 1-50-бандларида ёритиб берилган. Унда ҳар бир корхона мустақил равишда ўзининг бухгалтерия хисоби тизимини, яъни хисоб сиёсатини ишлаб чиқиши ва эълон қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бухгалтерия хисобини бундай тарзда йўлга қўйилишининг моҳияти шу билан изоҳланадики, унда давлат томонидан ўрнатилган бухгалтерия хисобини юритишнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда ҳар бир корхона ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятида кўзланган мақсадга эришиш учун бухгалтерия хисоби бажариши лозим бўлган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда хисоб тизимини ишлаб чиқади.⁶ Корхоналарга бундай ҳуқуқ ва имтиёзларнинг берилиши мамлакатимизда бухгалтерия хисобининг халқаро андозаларига ўтишнинг ижобий натижаси деб қараш мумкин. Чунки бухгалтерия хисоби халқаро андозаларининг биринчиси «Хисоб сиёсати» деб аталади. Бугунги кунда Бухгалтерия хисоби тўғрисидаги Қонун, Солиқ кодекси корхоналардан хисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон

⁶ Абдукаримов И.Т. Молиявий хисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йуллари/ И.Т. Абдукаримов. - Т.: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. 320 б.

Республикасининг Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган, бухгалтерия хисобининг 21 бўлимдан иборат биринчи миллий андозаси 1998 йилда кучга кирган бўлиб, мазкур андоза хисоб сиёсатини ишлаб чиқишни, шунингдек, уни рўёбга чиқаришнинг омиллари ва тартибини регламентга солади. 2008 йилда янги Солиқ кодекси қабул қилинган. Айтиб ўтилган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, хисоб сиёсати деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисобот тузиш учун қабул қилинган усулларнинг йиғмаси тушунилади, молиявий хисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ тузилади деб таъриф берилади. Иқтисодий адабиётда у қуйидагича талқин қилинади. Корхонанинг хисоб сиёсати - бу корхона томонидан умум қабул қилинган қоидалар ва ўз фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб эълон қилинадиган бухгалтерлик хисобни олиб боришнинг муайян услублари ва шакллариининг мажмуидир. Корхонанинг хисоб сиёсати расмий ҳужжат саналади. У бош бухгалтер томонидан ишлаб чиқилади ҳамда бошлиқнинг буйруғи ёки фармойиши билан тасдиқланади. Корхонада келаси йил учун «Хисоб сиёсати» йилнинг охирида тайёрланади. Демак, у корхонанинг навбатдаги йилда бухгалтерия хисобини олиб бориш бўйича ўзига хос режаси хисобланади.

Корхонанинг хисоб сиёсати йил мобайнида доимийлик тусида бўлиши керак. Объектив сабабларсиз уни ўзгартириш мумкин эмас.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан, қуйидаги ҳоллардагина тасдиқланган хисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш мумкин:

- корхона қайта ташкил этилганда, яъни, қўшилганда ёки ажралиб чиққанда;
- мулк эгалари ўзгарганда;
- давлат қонунлари ўзгарганда;
- хисобни олиб боришининг янги шакллари ва усуллари жорий этилганда.

Хисоб сиёсатига киритилган барча ўзгартиришлар асосланган бўлиши ҳамда корхона раҳбарининг буйруғи ёки фармойиши билан тасдиқланиши керак. Хисоб сиёсати расмий хужжат сифатида мажбурий тартибда қуйидаги органлар: юқори турувчи ташкилотга, солиқ инспекциясига, банкка, ижтимоий суғурта, статистика бошқармаси идораларига топширилади. У сўров ва талаб бўйича прокуратура, суд ва арбитраж органларига, инвесторлар, акциядорлар, кредит берувчилар, аудиторлик фирмаси ва бошқа фойдаланувчиларга ҳам тақдим этилиши мумкин. Хисоб сиёсати корхона ходимлари учун очиқ бўлиши лозим. Корхона хисоб сиёсатидан фойдаланувчи ҳар бир шахс ўз мақсадлари йўлида уни ўрганadi ва фойдаланади. Масалан, солиқ инспекцияси ундан солиқлар бўйича тақдим этилган хисоб-китобларнинг ишончлилигини, корхонада уларни хисобга олиб боришнинг тўғрилигини назорат қилиш мақсадаларида фойдаланади. Банклар учун эса, корхонанинг хисоб сиёсати нақдга ва нақдсиз хисоб-китоблар, касса операцияларини олиб бориш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш учун керак. Аудиторлик фирмаси хисоб сиёсати қандай тузилганлиги, шунингдек, корхона томонидан унга риоя этилиши даражаси ҳақида хулоса беради. Инвесторлар, акциядорлар, кредиторлар эса, ўз маблағларини ётқизиш, шартномалар, битимлар тузиш тўғрисида бир қарорга келишидан олдин корхона хисоб сиёсатини ўрганadилар. Шундай қилиб, корхона хисоб сиёсати молия хисобининг назарий, услубий, техник, ташкилий томонларини қамраб олади. Назарий қисм молия хисобининг асосий қоидалари низомлари илмий қоидаларни ўз ичига олади. Хисобнинг услубий томони мулк ва мажбуриятларни баҳолашнинг усуллари, мулкнинг турли кўринишлари бўйича амортизацияни хисоблаб ёзиш усуллари, фойда, даромадни хисоблаб чиқариши услублари ва ҳақларни назарда тутadi.

Эндиликда ҳар қандай мулкчилик шаклидаги, ташкилий - ҳуқуқий тузилишдаги ва тармоққа тегишли корхоналар қуйидаги соҳалар бўйича ўз хисоб сиёсатини танлаб олишлари мумкин:

- асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисоблаш;
- асосий воситаларни тузатишни ҳисобга олиш;
- материалларни сотиб олишни ҳисобга олиш;
- кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскиришини ҳисобга олиш;
- моддий айланма маблағларнинг ҳисобини ташкил қилиш ва баҳолаш;
- ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш;
- материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, жўнатилган товарларни баҳолаш;
- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни ҳисобда акс эттириш;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализациясини ҳисобга олиш;
- даргумон қарзлар бўйича хар хил захира (резерв)ларни яратиш;
- соф фойда ҳисобидан хар хил фондларни ҳосил қилиш ва бошқа масалалар бўйича.

Ҳисобнинг техник томони молия ҳисобини олиб боришнинг шакли (бухгалтерлик регистрлари тизими) ни бухгалтерлик хизматининг ташкилий тадбирларини, унинг бошқарув тизимидаги ўрни бу тизимнинг бошқа элементлари ва бўғинлари билан ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири, бўлинмалар билан бозор иқтисодиётнинг юзага келиши ва шаклланиши учун хос бўлган ўзаро алоқаларни ўз ичига олади.

Ҳисоб сиёсатининг техник жихатини янада ойдинроқ ёритадиган бўлсак, унинг техник аспектига қуйидаги масалалар киритилади:

- марказлаштирилган счётлар режаси асосида ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш;
- бухгалтерия ҳисобининг шаклларини танлаш;
- бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар айланиши;
- мулк ва мажбуриятни инвентаризация қилиш;
- ички ишлаб чиқариш ҳисоботи.

Хисоб сиёсатининг ташкилий аспектида бухгалтерия хисобининг ечилиши зарур бўлган масалалари қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия хизматининг ташкилий шакллари;
- бухгалтерия хизматининг таркиби ва хисобни марказлаштириш даражаси;
- корхона бўлинмаларини алоҳида балансга ўтказиш.

Юқорида учта гуруҳга кирувчи муаммоларнинг энг оптимал равишда хал қилиниши корхона хисоб сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди. Чунки хисоб сиёсатининг дастлабки босқичи ёки унинг услубий аспектида бухгалтерия хисобининг асосий вазифаси яъни у бажариши зарур бўлган ёки хал қилиб бериши лозим бўлган хисоб жараёнлари кўрсатилган бўлса, хисоб сиёсатининг иккинчи босқичида ушбу вазифаларни амалга ошириш учун зарур техник усуллар белгилаб берилди.

Иккинчи босқичда очикроғи биринчи босқичда белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун технологик жараён ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда яъни хисоб сиёсатининг ташкилий аспектида ушбу технологик жараённи бажарувчи ижрочилар ва уларнинг хизмат вазифалари аниқ белгиланиши зарур. «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ корхоналарда бухгалтерия хисобини қуйидаги шаклларда ташкил қилиш мумкин:

- мустақил бўлинма хисобланган бухгалтерияни ташкил қилиши мумкин;
- шартнома асосида ихтисослашган профессионал ташкилотга бухгалтерия хисобини юритишни топшириш мумкин;
- мутахассисларга шартнома асосида бухгалтерия хисобини юритишни топшириш мумкин.

Албатта бухгалтерия хисобини ташкил қилишнинг биринчи шаклини йирик ва ўртача корхоналарда қўлланилиши табиийдир. Чунки бу корхоналарда бухгалтерия хисобида бажариладиган хисоб ишлари хажми анча катта ва мураккаб бўлиб ихтисослашган хисоб бўлинмаси – бухгалтерияни билишини

талаб қилади. Бухгалтерия хисобининг ташкил қилишнинг иккинчи ва учинчи шакллари кичик корхоналарда амалга оширилиши мумкин. Корхона мустақил равишда бухгалтерия хисобини ташкил қилишнинг у ёки бу шаклини топмайди. Хар қандай шароитда бухгалтерия хисобини юритиш ва унинг ахволи учун жавобгарлик корхона рахбарининг зиммасига юклатилади. Чунки бухгалтерия хисобини юритиш учун зарур бўлган шароитлар ва унинг қонуний ва норматив базасининг моддий жихатларини таъминлаш, мутахассислар ва бош бухгалтерни танлаш ва тайинлаш корхона рахбарининг зиммасига юклатилади. Корхоналарда бухгалтерия хисобини тўғри ташкил қилиш учун бухгалтерия аппарат ва унинг таркибини оптимал белгилаш катта аҳамиятга эга. Бухгалтерия аппарати ва унинг таркибини белгилашда корхонада ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳажми ва унинг таркиби бевосита таъсир кўрсатади. Чунки корхонада ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлса бухгалтерия хисоби ўзининг назорат қилиш ва маълумот бериш вазифасини бажариши учун бухгалтерия аппарати ва таркибини шунга мос равишда ташкил қилиши зарур. Шунингдек, бухгалтерия аппарати ва таркибини ташкил қилишга корхонанинг молиявий ва инвестицион фаолияти ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади. Корхонлардаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бухгалтерия хисоби марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ва аралаш шаклларида ташкил қилиниши мумкин. Бухгалтерия хисоби марказлаштирилган шаклда ташкил қилинганда бухгалтерия ягона бўлинма бўлиб фаолият кўрсатади ва барча ҳисоб ишлари бухгалтерлар ўртасида тақсимланади.⁷

Бунда бухгалтерларнинг иш жараёнидан самарали фойдаланиш имконияти вужудга келади. Бухгалтерия хисоби марказлаштирилмаган шаклда ташкил қилинганда марказий бухгалтерия билан биргаликда ишлаб чиқариш бўлинмаларида ҳам бухгалтерия ташкил қилинади. Бундай ҳолда ҳисобнинг оперативлиги ва таҳлилий маълумотлар бериш даражаси кескин ортади.

⁷ Ҳасанов Х.Б Бошқарув ҳисоби. Дарслик./ Х.Б Ҳасанов. – Т.: “А. Навоий ” номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти. 2005 йил.

Бухгалтерия хисоби аралаш шаклда ташкил қилинганда марказий бухгалтериядан ташқари фақат корхонанинг йирик ишлаб чиқариш бўлинмаларида бухгалтерия ташкил қилинади. Корхона хисоб сиёсатининг барча услубий, техник ва ташкилий томонлари ёритиб берилгандан сўнг у раҳбарнинг буйруғи ёки фармойиши билан расмийлаштирилади ва юридик кучга эга бўлади.

1.3. Молиявий хисоб ва хисоботнинг халқаро тажрибаси ва уни Ўзбекистон амалиётига қўллаш истиқболлари

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда бухгалтерия хисоби иккига бўлинган ҳолда - **молиявий ва бошқарув** хисобига бўлинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия хисобининг мақсади, унинг иккига бўлиниши эҳтиёжи пайдо бўлишини асослаш учун молиявий хисоб ва хисоботнинг халқаро тизимини кўриб чиқиш зарур. Молиявий хисоб ва хисоботнинг халқаро тизими ҳақида фикр юритиш учун бу янги иборанинг мазмуни ва моҳиятини англаб етиш керак. Молиявий хисоб алоҳида ўрганлиши керак бўлган хисоб тури эмас, балки уни бухгалтерия хисобининг бир бўлаги сифатида тушунмоқ лозим бўлади. Шунингдек, молиявий хисоб моҳияти, мазмуни, аҳамияти ва вазифалари билан танишиб чиқиш учун бухгалтерия хисоби бўйича жаҳон амалиёти ва тажрибасига мурожаат этиш керак. Бу омилларни хисобга олиб, биз халқаро бухгалтерия хисоби тизими ва миллий бухгалтерия хисоби тизимлари билан танишиб чиқамиз.

«Бухгалтерия хисоби тизими деб, бу шундай яхлит тизимга айтиладики, у ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таъминот, сотиш жараёнларини бирлаштириб кўрсатувчи, макро ва микро даражада стратегик ва тактик масалаларни ҳал қилишга имконият берувчи бухгалтерия хисоблари режасига асосланган бўлади».⁸ Макро ва микро даражада қарорлар қабул қилиш учун етарли даражада

⁸ Юсупова М.Б., Жумабоев .Б. Молиявий хисоб тамойиллари. Андижон, 1999 йил.).

ахборотни олишда ривожланган миллий бухгалтерия андозаларининг мавжудлиги ва унинг ишлатилиши. Бухгалтерия хисоботининг миллий хисоблар режаси. Хисоблар режаси хисоб тизимининг мақсадига мос келиб, энг асосий уринда туради. Хисоблар режаси мулкчилик шакллари, баҳоларнинг ташкил топиш усул ва услублари, давлатнинг солиқ сиёсати кабиларга ўзвий боғланган равишда тузилиб, хисоб тизимининг мақсади ва вазифаларига мос тушади. Корхона ва ташкилот миқёсида бухгалтерия хисобининг ташкилий тизими. Жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, кўпгина хисоб тизимларида бухгалтерия иккига, яъни молиявий ёки умумий ва бошқарув бухгалтерия хисобига бўлинган бўлади. Молиявий ёки умумий бухгалтерия хисоби корхонанинг давлат, банк, акционерлар, мол етказиб берувчилар, харидорлар, сармоядорлар ва бошқа алоқадор ташкилотларни ахборот билан таъминлаш масалаларини хал қилиш билан шуғулланади.

Миллий хисоб тизимига мос келувчи ташқи ёки молиявий бухгалтерия маълум бир даражада давлат томонидан белгиланади, баъзи ҳолларда бир неча давлат томонидан аниқлаб бериледи. Бу молиявий хисоб тури кўпроқ ташқи алоқалар билан боғлиқ бўлгани учун давлат томонидан аралашув турли корхона, ташкилот, муассаса ва фирмалар молиявий ва мулкӣ фаолиятини бир хил баҳолаш, молиявий натижалар, яъни фойдани аниқлаш бир хил усулда амалга ошиши учун ташкил этилади. Кўп мамлакатларда молиявий хисоб турли хисобот шакллари учун 100-150 кўрсаткич ҳақида ахборот беради. Бошқарув хисоби эса ёрдамчи ёки ички бухгалтерия деб юритилиб, у корхона фаолияти самарадорлигини ошириш муаммоларини хал қилишга ёрдам беради. Ёрдамчи ёки аналитик бухгалтерия товар-моддий қийматликлар, тайёр маҳсулот, иш ва хизматчилар билан хисоб-китоблар кабиларнинг аналитик ва синтетик хисобини ташкил қилади.

Бошқарув хисоби, одатда, давлат ёки профессионал ташкилотлар томонидан белгиланмайди, лекин баъзи бир миллий ва миллатлараро тизимларда

(масалан: Франция хисоб тизими, Ғарбий Германия хисоб тизими) бир ёки икки синф хисоблари билан ажратилган бўлади. Бошқарув ёки аналитик бухгалтериянинг мақсади жавобгар марказлар, фаолият соҳалари бўйича ахборот бериш ва унинг таҳлилидир. Натижада, жуда катта бўлган йирик фирма ва компанияларда даромадлар (маржалар), харажатлар ва фойда хисоби бир неча ўн ёки юзлаб маъсул марказлар бўйича ташкил қилинади. Бунда бошқарув хисоби ва молиявий хисоб ўртасида ўзаро боғлиқлик турли усул ва услублар билан махсус (кесишувчи, йигиб таксимловчи) хисоблар ёрдамида амалга оширилади. Корхона фаолияти якуний натижаларини аниқлаш услубияти. Фойдани бир хил даражада аниқлаш услублари фирманинг кулами, бир ёки иккита бухгалтериянинг мавжудлиги, бошқарув эҳтиёжлари кабилар билан аниқланади. Натижада фойдани умуман корхона бўйича харажатлар ва даромадлар элементлари, жавобгар марказлар ва харажат моддалари бўйича, бухгалтерия баланси маълумот ва ахборотларига кўра актив ва пассив суммаларини солиштириш асосида аниқловчи тизим пайдо бўлади. Хисоб тизимининг мақсади корхона фаолиятини натижаларини маълум бир кўрсаткич ёки кўрсаткичлар тизими бўйича аниқлашга қаратилган бўлади. Масалан, фойда ёки даромадни орттириш, фойда ёки маржани, таннархни, таннархни пасайтириш, яратилган резерв, жамғарилган амортизация фондини аниқлаш ва хоказо. Мана шу кўрсаткичлар билан бир-биридан фарқ қилиб турувчи хисоб тизимлари сони 60-йиллар охирига келиб 100 дан ортиб кетди. Бу тизимларининг бирон бири тўлиғича бошқа бирортасига мос тушмайди. Шу нуқтаи назардан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эксперт гуруҳлари, бухгалтерларнинг халқаро уюшмалари ва алоҳида изланувчилар томонидан айрим бир хисоб тизимларининг таққослама таҳлили ва гуруҳланиши амалга оширилмокда.

Унда, асосан, миллий тизимларнинг қуйидагилар билан бир-биридан фарқ қилиши аниқланади:

- Хисоб тизимининг тарихий ўрни;

- Ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш ва ҳисобга олиш усуллари;
- Мажбуриятларни ҳамда турли ахборотларни ҳисоботда акс эттирилиш амалиёти;
- Амортизация ҳисоблаш ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш усули;
- Ҳисобот шакллари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг чегараланиши;
- Фирма фаолияти устидан ташқи назорат услублари.

Ҳақиқатан, миллий тизимларнинг бир-биридан фарқлари мавжуд эканлигига бир неча мисол келтиришимиз мумкин, масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳукуматлараро эксперт гуруҳи 1977 йилда 46 та миллий ҳисоб тизимида ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилиш амалиётини ўрганиб чиқиб, уларни кўпчилик кўрсаткичлари бўйича таққослаб бўлмаслиги ҳақида бир неча фикр ва хулосалар билдиришган. Эксперт гуруҳи бундай номутаносиблик, асосан, фойда кўрсаткичининг турлича бўлиши сабабли эканлигини тасдиқлади. Мутахассислар томонидан 13 та ҳисоб тизимини ўрганилиши шуни кўрсатдики, улардан фақат 4 таси (Германия, АҚШ, Япония ва Англия)гина ресурсларни баҳолаш услубияти давлат томонидан қонуний равишда белгилаб қўйилар экан. Бунинг натижасида ресурслар энг кам баҳолаш усулида ҳисобланиб, давлат фойдасини кўзлайди, чунки компания бу ҳолда фойда суммасини максимал даражада кўрсатишга мажбур бўлади. Яна 23 та тизимни ўрганиш шуни кўрсатдики, улардан 8 таси (Австралия, Бельгия, Канада, Франция, Италия, Норвегия, Швеция ва Швейцария) давлат учун эмас, балки корхона учун кулайроқ шароит яратар экан. Бунинг афзаллик томони шундаки, у ушбу мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ташқи бозорда кучайишни тақазо этади. Миллий бухгалтерия тизимлари ривожланиши натижасида XIX асрнинг иккинчи ярмида, иккинчи жаҳон урушидан сунг мамлакатлараро тизимлар пайдо бўлди. Бундай жараён билан биргаликда параллель равишда турли тизимларнинг интеграцияси натижасида бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимини яратиш жараёни амалга оширила бошланди. Бухгалтерия ҳисоби халқаро тизими

бухгалтерия хисоби ва хисоботи соҳасида халқаро меъёр ва андозаларнинг жорий этилиши биланок XX асрнинг 80 йилларига келиб ташкил топа бошлади. Халқаро тизимнинг шаклланиш жараёни тарихи бир неча босқичдан иборат. Уларни кўриб чиқиш орқали бухгалтериянинг иккига, яъни молиявий ва бошқарув хисобига ажралиши даврини аниқлаш мумкин. Бу эса молиявий хисоб масаласини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Савдо босқичи VI аср давомида ривожланиб, икки ёклама ёзув, хронологик ва систематик ёзув, баланс, бош китоб, назорат усулларининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Ишбилармонлик босқичида саноат бухгалтерияси, яъни алоҳида маҳсулот турлари бўйича таннархни аниқлаш, ишлаб чиқариш устама харажатларни таксимлаш усули, счётларнинг тизими бўйича туркумланиши амалга оширилди ва энг асосийлардан бири бўлиб, хисоблар режаси яратилди.

Ташкилий босқичда бухгалтерия хисоби давлат томонидан андозалаштирилиши, хисоблар режасининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Хисоб тизимининг ривожланишига қўшилган энг улкан хисса уша даврда бухгалтериянинг иккига – молиявий ва бошқарув хисобига бўлиниши бўлди. Оптималлаштириш босқичида асосан, бухгалтерия электрон хисоблаш машиналаридан фойдаланган холда бошқарувнинг стратегик масалаларини хал қила бошлади. Мана шу даврда бошқарув хисобининг «Директ-Костинг» тизими бухгалтерияда кенг ишлатила бошланди.⁹ Шундай қилиб биз, бошқарув ва молиявий хисобнинг пайдо бўлиши жахон иқтисодиётининг ривожланиши тарихи билан ўзвий боғлиқ эканлигини аниқлаб олдик. Уларнинг бир-биридан ажралиши бухгалтерия хисоби берадиган маълумотнинг, хажми ва мазмуни турлича бўлиши билан белгиланган эди, чунки унинг ахборотидан фойдаланувчилар иккига, яъни ички ва ташқи фойдаланувчилардир. Бошқарув хисоби корхонанинг ички муомалаларида қўлланилади. Унинг мақсади – конкрет

⁹ Бобожонов О.У. Молиявий хисоб. -Т.: «Меҳнат», 2004, 536 б.

ишлаб чиқариш вазифаларини бажарувчи менежерларни ахборот билан таъминлаш. Молиявий ҳисоб ташқи фойдаланувчилар учун корхона фаолияти ва унинг натижалари ҳақида маълумот беради. Молиявий ҳисобнинг мақсадлари ва вазифалари турлича бўлгани сабабли, бу икки ҳисоб тури бир-биридан тубдан фарқ қилади. Молиявий ҳисоб умумқабул қилинган андозалар ва тамойиллар асосида юритилади. Айнан шу андоза ва тамойиллар молиявий ахборотнинг ёзилиши, баҳоланиши ва топширилишини тартибга солиб туради. Ҳисобнинг бу умумқабул қилинган тамойиллари кредиторлар манфаатини ҳимоя қилиб, олинган ахборотга ишончни кучайтиради, лекин бухгалтериянинг усул ва услубиятларини танлаш имкониятини чегаралайди. Асримизнинг иккинчи ярмида меҳнатнинг халқаро тақсимооти ва ихтисослашуви, ишлаб чиқаришнинг деярли барча мамлакатлар ва китъалар ўртасида кооперациялашуви ва бирлашуви жараёни кузатила бошланди. Бу жараён жуда кўп мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини тезлик билан бир неча ривожланиш босқичини босиб ўтишга ва бунинг натижасида ташкилий ўзгарилишига олиб келди. Оптималлаштириш босқичидаги янги бухгалтерия ҳисоби тизими электрон ҳисоблаш машиналаридан кенг фойдаланишга мулжалланган эди. 1975 йилдан бошлаб эса бухгалтерия ҳисобининг маркетинг билан интеграциялашган, молиявий натижаларни хоҳлаган параметрда аниқлашга имкон берувчи янги такомиллашган тизимини ишлаб чиқариш бошланди. Бунда икки ўзига хос йўналиш намоён бўла бошлади.


Халқаро иқтисодий алоқалар ривожланиш суръати мамлакатларнинг ички иқтисодий ривожланиш суръатига нисбатан 1,5 – 2 баробарига тезроқ бўлди;

Халқаро иқтисодий алоқалар нафақат муомала соҳаси, балки қайта ишлаб чиқаришнинг, яъни капитал айланишининг барча босқичларини қамраб олади. Бундай ҳолатларнинг натижасида иқтисодий жараёнлар билан бир қаторда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш бўйича тавсияномалар пайдо бўлиб, ҳисобнинг халқаро тизими вужудга келишига аста секинлик билан шароит

яратилди. Хамкорликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида халқаро, давлатлараро ташкилотларнинг роли катта бўлди. Бундай ташкилотлар барча соҳаларда, жумладан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасида ҳам ташкил этилди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи андозалари ҳамда ривожланиши муаммолари билан эса давлатлараро ташкилотлардан ташқари 6 та халқаро профессионал ва учта халқаро касаба уюшмаси ташкилотлари шуғулланадилар.

Бухгалтерия андозалари бўйича халқаро профессионал ташкилотлар куйидагилар:



1.1-чизма. Бухгалтерия андозалари бўйича халқаро профессионал ташкилотлар куйидагилар

Бу ташкилотларнинг мақсади молиявий ҳисоботларни тузишда амал қилиниши керак бўлган андозаларни ишлаб чиқиш ва уларни қўлланишига ёрдам ва молиявий кумак беришдир. Ишлаб чиқилган андозалар ҳисобнинг айрим бўлаклари бўйича терминология, тушунча, асосий тамойил ва услубиятларни аниқлаб беради. «Бухгалтерия ҳисоби моделлари ҳар хиллиги муаммоси Ўзбекистон Республикаси учунгина эмас, жаҳон миқёсида ҳам долзарб бўлиб

турибди. Бутун дунёда молиявий хисоботлар тузиш ва улардан фойдаланиш жараёнида бухгалтерия хисобини бирхиллаштириш эҳтиёжи юзага келмоқда.

Хозирги пайтда уни хал этишга уйғунлаштириш ва андозалаштиришдан иборат икки хил ёндошиш айникса кенг тарқалган. Аввалига ушбу икки хил ёндошиш умумий тамойиллари жихатидан ҳам, амалга ошириш хусусиятлари жихатидан ҳам фарқланар эди. Бироқ кейинги йилларда кўпинча хар иккала атама синонимлар ёки бир-бирини тулдирадиган тушунчалар сифатида қўлланилмоқда».¹⁰ Муаллифнинг фикрича бухгалтерия хисоби турли тизимларни уйғунлаштириш тамойили Европа Иттифоқи доирасида амалга оширилмоқда. Унинг мохияти шундаки, хар бир мамлакатда хисобга олишни ташкил этишнинг ўз модели ва уни тартибга солувчи андозалар тизими мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу андозалар ҳамжамият мамлакатларидаги шунга ўхшаш андозаларга зид бўлмаслиги, яъни бир-бири билан нисбий «уйғунлик»да бўлиши зарур.

Хисобга олиш омилларини андозалаштириш ғояси бўйича эса шуни айтиш керакки, молиявий хисоботлар халқаро андозалари қўмитаси (International Accouting Standarts Committee) эса молиявий хисоботлар халқаро андозалари (International Accouting Standarts)ни ишлаб чиққан ва эълон қилган холда амалга ошираётган хисобга олишни бирхиллаштириш доирасида руёбга чиқариб борилмоқда. Ушбу ёндошишнинг мохияти – мамлакатдаги хар қандай вазиятда қўлланилиши мумкин бўлган бирхиллаштирилган андозалар тўпламини ишлаб чиқишда ва шу туфайли миллий андозалар зарур бўлмай қолишидадир. Ягона андозаларни жорий этиш масаласида шуни айтишимиз керакки, бунга қонун чиқариш йўли билан эмас, балки хар бир мамлакатда хисобга олиш билан шуғулланадиган мутахассислар ва ташкилотларнинг кунгилли равишда келишишлари йўли билан эришиш яхши натижа беради. Халқаро андозалар тобора оммавийлашишга иккита воқеа сабаб бўлган. Биринчи воқеа - молиявий

¹⁰ Мўминова С. Молиявий хисоботларни бирхиллаштириш усуллари. Бозор, пул ва кредит. //Журнал. 9-сон - Т.: 2001 йил

хисоботлар халқаро андозалари кўмитаси ва қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилоти – (International Organization of Securities Commissions) ўртасида битим имзонланганлигидир. Ундан АҚШ молиявий доиралари ва конгресснинг Америка биржаларида акциялар жойлаштиришга кўпроқ чет эл компанияларини жалб этишга интилишлари акс эттирилган. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилотига 1998 йил 12 январда қўшилди. Унда Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли (16-сонли) қарори билан қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилотига ваколатли давлат органи - қимматли қоғозлар бозори ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази белгиланди. Иккинчидан, Германиянинг бирлашиши молиявий хисоботлар халқаро андозаларга ўтишни тезлаштирди. Ушбу бирлашиш оқибатида мамлакатга сармоялар жалб этиш эҳтиёжи кучайди. Шу муносабат билан компанияларнинг молиявий фаолиятини ташқи фойдаланувчиларга, масалан, фонд биржалари ёки халқаро инвесторларга йуналтириш зарур эди. Шу сабабли, фонд биржаларининг листингига кирадиган ва консолидацияли молиявий хисоботлар тузадиган компаниялар молиявий хисоботлар халқаро андозаларни қабул қилишга мажбур бўлган эди. Хозирги пайтда молиявий хисоботлар халқаро андозаларидан фойдаланишнинг бир неча усули мавжуд.

1. Халқаро андозаларни миллий андозалар сифатида қўллаш:

а) Ўзгаришсиз Кипр, кувайт, Латвия, Мальта, Покистон, Тринидад, Тобаго ва Хорватия

б) Янги ҳолат ва масалаларни инобатга олган ҳолда Малайзия ва Папуа – Янги Гвинея

с) Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда Албания, Бангладеш, Барбадос, Замбия, Зимбабве, Кения, Колумбия, Польша, Судан, Таиланд, Уругвай ва Ямайка.

2. Халқаро андозалар асосида миллий андозаларни ишлаб чиқиш:

а) қўшимча тушунтиришлар билан Хитой, Эрон, Словения, Тунис ва Филиппин

б) Такомиллаштириш асосида Бразилия, Хиндистон, Ирландия, Литва, Мавритания, Мексика, Намибия, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Сингапур, Словакия, Туркия, Франция, Чехия, Швейцария ва ЖАР

с) Такқослаш асосида: Австралия, Дания, Италия, Янги Зеландия, Швеция ва Югославия Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби миллий андозаларини тузишда халқаро андозаларга такомиллаштиришга асосланиши биз учун ахборотни очишнинг аксарият меъёрлари мамлакат учун нисбатан янги эди. Уларнинг амалда қўлланилиши услубий қўлланмалар ва йўриқномалар тайёрлашни бирмунча такомиллаштиришни талаб қилар эди. Бу усулнинг тўғрилиги шу билан тушунтириладики, молиявий ҳисобга олиш халқаро андозаларининг объектив равишдаги афзал томонлари иқтисодий мантиқ аниқлиги; ҳисобга олиш соҳасида замонавий жаҳон амалиётида тўланган энг қимматли тажрибалар умумлаштирилиши ва Дунёнинг барча мамлакатларидаги молиявий ахборотдан фойдаланувчилар ушбу ахборотни осонлик билан тушуниши кабилардан иборат. Турли мамлакатларда ишлайдиган корхоналар молиявий ҳисоботлари консолидацияланиши шароитида халқаро андозалар компанияларнинг сарфхаражатларини қисқартирибгина қолмай, капитал жалб этишга қилинадиган сарфларни ҳам камайтириш имконини беради. Маълумки, капиталнинг бозор нархи истиқболда самара олиш ва таваккалчилик каби иккита асосий омил билан белгиланади. Айрим таваккалчиликлар компаниялар фаолиятининг ўзи билан боғлиқ бўлади, лекин баъзи таваккалчиликларни ахборот етишмаслиги, капитал сарфларининг самараси тўғрисида аниқ маълумотлар йўқлиги келтириб чиқарган. Андозалаштирилган молиявий ҳисобот мавжуд эмаслиги ахборот етишмаслигидан келиб чиқади. Молиявий ҳисоботлар халқаро андозаларнинг ўзига хос афзал жихатлари мавжудлиги туфайли улардан турли

мамлакатлар бухгалтерия хисоби олиш миллий амалиётида фойдаланишга интилоқдалар.

Лекин молиявий хисоботлар халқаро андозаларнинг камчиликларини ҳам таъкидлаш лозим, жумладан, қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-Андозалар умумлашма тарздалиги, бу эса хисобга олиш усулларининг хилмахиллигига йўл қўйиши;

-Андозаларни аниқ вазиятларга татбиқ этиш хусусида батафсил талқин ва мисоллар йўқлиги, бу эса уларнинг қўлланилишини кийинлаштириши;

Бутун дунёда ягона андозаларни жорий этишга ривожланиш даражаси туфайли келиб чиқадиган миллий, анъанавий-маиший тафовутлар каби жиддий омиллар, шунингдек, миллий институтларнинг хисобга олиш борасидаги ишларни тартибга солиш ва хисобга олиш услубияти борасидаги ўз устуворликларини бой беришини истамасликлари ҳам халакит бермоқда. Бухгалтерия хисоби халқаро андозалари қўмитаси ана шу мураккаблаштирувчи ва салбий омилларнинг барчасини эътиборга олмақда, уларни бартараф этиш бўйича фаол ишлар қилинмоқда. Жумладан, 1989 йил 1 январда қўмита E32 «Молиявий хужжатларни таққосланиши» хужжатини эълон қилди. Унда амалдаги молиявий хисоботлар халқаро андозалар рухсат этган хисобга олиш усулларини танлаш имкониятларини чеклаш бўйича 29 та тақлиф киритилган. Бу хужжатни кўпчилик мутахассислар молиявий хисоботлар халқаро андозалар қўмитасининг энг яхши лойиҳаларидан бири деб хисобламоқдалар, у хисоботлар мазмунидаги қатор тафовутларни муайян даражада бартараф этиш ва халқаро контекстда қиёсий таҳлил ўтказишда хисоботларни ўзгартириш омилларини соддалаштириш имконини беради. Талқинлар ишлаб чиқиш молиявий хисоботлар халқаро андозалар қўмитаси яқин йиллардаги фаолиятининг устувор йўналишлардан бири, деб эътироф қилинди. Бунинг устига, 1996 йил молиявий хисоботлар халқаро андозалар қўмитаси доирасида андозаларни Талқин қилиш бўйича доимий қўмита (Standing Interpretations Committee) ташкил этиш

тўғрисида қарор қабул қилинди. 1999 йилдан эътиборан турли мамлакатлардаги кўплаб компания ва биржалар молиявий ахборотларни молиявий ҳисоботлар халқаро андозалардан фойдаланиб туза бошладилар Юқоридаги билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда турли мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётидаги халқаро тафовутлар ва уларнинг компания фаолиятига таъсир кўрсатиш даражасини бир неча усул билан баҳолаш мумкин,

яъни:

-Турли мамлакатларнинг бир неча бухгалтерия тизимини олинган даромадни улчаш бобида компания фаолиятининг натижалари бўйича таққослаш;

- Турли давлатларнинг молиявий тизимларини таққослаш, уларнинг тафовутларини белгилаш ва ана шу негизида бозор сармоялаштирилишидан келиб чиқиб, компаниянинг соф активлари қийматини белгилаш;

- Бухгалтерия ҳисобининг турли тизимларида белгиланган ва ҳар бир мамлакатда амал қилаётган талабларини аниқ компания мисолида таққослаш;

- Бухгалтерия ҳисобининг турли тизимларига белгиланган талабларни ушбу мамлакатларда қабул қилинган солиқ сиёсатидан келиб чиқиб таққослаш ва хоказолар.

Бу билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда турли мамлакатларда бухгалтерия тизимларининг миллий хусусиятларини белгилайдиган омиллар ҳам бир неча мутахассислар томонидан кўриб чиқилган. «Улар қуйидагилардан иборат:

-Етакчи назариётчилар ва касбкор ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби тизимига таъсири;

-У ёки бу тизимнинг қабул қилишнинг иқтисодий оқибатлари;

-Мамлакатда юзага келган иқтисодий вазият;

-Солиқ сиёсати;

-Юридик муҳит;

-Корхоналарни молиявий таъминлаш манбалари;

-Бошқа мамлакатларнинг таъсири;

-Мамлакатдаги умумий мухит»¹¹

Етакчи назариётчилар ва касбкор ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби тизимининг ривожланишига таъсири хусусида кўп мисолларни ва манбаларни кўрсатиш учун биз турли мамлакатлар бухгалтерия ҳисобининг миллий тизимига таъсир кўрсатувчи худди шундай омишларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Чунончи, масалан, Финляндияда Марти Скарио пул массалари оқимларига алоҳида ургу берган холда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботиға ўз ёндашувини ишлаб чиқди. Нидерландияда Тейдор Лимкерг «бизнес учун экономика» ёндашувига асос солди, ушбу ёндашув аста-секин эски тизимни ва бухгалтерия ҳисобидаги ёндашувларни сиқиб чиқара бориб, мазкур мамлакатдаги бухгалтерия ҳисоби негизидан жой олмоқда. Айрим мамлакатларда бухгалтерия касби энг нуфузли касблардан бири ҳисобланади ва шунинг учун малакали мутахассислар бухгалтерия ҳисоби тизимини шакллантиришда катта таъсир этадилар. Бухгалтерия ҳисоби у ёки бу тизимини қабул қилишнинг иқтисодий оқибатлари бошқаришнинг ушбу соҳасида амал қилувчи қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларга боғлиқ бўлади. Зеро, ташқи фойдаланувчилар фойдаланадиган ва шартнома мажбуриятлари, молиявий операциялар, солиқ органлари билан ўзаро муносабатлар, иқтисодий қарорлар қабул қилиш, қарз маблағлар лимитини белгилаш ва хоказолар учун асос бўладиган мазкур корхона тўғрисида бухгалтерия ахборотининг қандай бўлиши бухгалтерия ҳисобининг қабул қилинган тизимиға боғлиқ бўлади. Бухгалтерия ҳисобида меъёрий ҳужжатларнинг ўзгариши муайян компаниянинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалға ошириш чогида қабул қилинадиган бошқарув қарорларига анча кучли таъсир қилади.

¹¹ Беганов В.С., Шаулов У.Т., Кан У.Т. Бухгалтерия ҳисоби ва унинг хусусиятлари. -Т.: «Иқтисодиёт ва шуқуқ дунёси» 1999 йил.

Шунинг учун йирик компанияларнинг раҳбарлари ва бошқа манфаатдор шахслар бухгалтерия ҳисоби тизимида улар учун энг қулай қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилишда мамлакатнинг давлат ва қонун чиқарув органларида таянчга эга бўлишга интилишлари ажабланарли ҳол эмас. Амалда барча мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимининг иқтисодий оқибатларга таъсири қайд этилган. Зеро, айрим компанияларга алоҳида имтиёз ва фойдаларнинг берилиши ҳар доим оғир иқтисодий оқибатлардан далолат беради. Албатта шунини айтиб ўтиш жоизки, мамлакат миқёсида ҳам иқтисодий оқибатлар мавжуд (масалан, ҳисоб ва ҳисоботнинг инфляцияли бухгалтерия тизимини яратишга олиб келадиган инфляция), улар ҳам бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботига кучли таъсир кўрсатади, яъни мамлакатдаги ҳақиқий иқтисодий вазиятни акс эттиради.

Солиқ сиёсати ҳам бухгалтерия ҳисоби тизимининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади, чунки, баъзи мамлакатларда меъёрий қонун ҳужжатлари бухгалтерия ҳисоботлари солиқ қонунларига мувофиқ тузилишини талаб қилади. Бундай ёндашувда етакчилардан бири Германия бўлиб, у бундай мақсадлар учун «мажбурийлик тамойили» атамасини қўллайдди. Бошқа мамлакатларда қонун ҳужжатлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг турли тизимлари орасида танлаб олишга руҳсат беради, бунда солиқ имтиёзларини олиш танланган ҳисоб усулига боғлиқ бўлади. Ҳар бир мамлакатнинг миллий хусусиятлари бухгалтерия ҳисоби тизимларини халқаро миқёсда уйғунлаштиришга жуда кучли таъсир кўрсатади, чунки айрим мамлакатларнинг мутахассислари айтиши уларнинг бухгалтерия ҳисоби тизими энг яхши тизим деб ҳисоблайдилар ва унда ҳеч нарсани ўзгартиришни хохламайдилар. Мазкур фикр-мулоҳазалар кўпинча ҳаддан ортиқча миллий гуруҳга асосланади. Бундай мутахассислар айтиши уларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи андозалари энг яхши андозалар ва бошқа мамлакатларда қўллаш учун муносиб деб ҳисоблайдилар, ваҳоланки ушбу фикр-мулоҳазалар ҳатодир, чунки турли мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисоби

тизимда ўз камчиликлари ва ўз афзаллари мавжуд. Юридик мухит мазкур тизимда ишлайдиган мутахассисларнинг ҳуқуқий онг даражасига боғлиқдир. Чунончи, ҳуқуқий онг даражаси юқори бўлган жамиятда бухгалтерия ва аудиторлик хизматлари мутахассислари давлат ҳоқимиятининг назорат қилувчи органлари билан низолар юз берган такдирда ўз нуқтаи назарини муваффақиятли ҳал этиш имконини берадиган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг аниқроқ ҳамда бир маънода Талқин қилинадиган қоидаларига, шунингдек бухгалтерия ҳисоби тизимида амал қиладиган меъёрий қонун ҳужжатларига эга бўлишига интиладилар, зеро, бухгалтерия иши амалиёти белгиланган қоидалар қанчаалик аниқ таърифланганлигига ҳамда бухгалтерия ҳисоб тизимида қабул қилинган меъёрий ва қонун ҳужжатлари қанчалик қатъий ва изчиллик билан қўлланишига жуда ҳам боғлиқдир. Корхоналарни молиявий таъминлаш манбалари ҳам бухгалтерия ҳисоби тизимларини халқаро миқёсда уйғунлаштиришга таъсир кўрсатади масалан, агар корхонада молиявий ресурсларни шакллантириш акцияларни фонд биржасида сотиш орқали амалга оширилса, эълон қилинаётган бухгалтерия ахборотининг сифати анча юқори бўлади чунки улар Европа иқтисодий ҳамжамияти фонд биржаларининг келишилган иши бўйича (листинг юритиш ва фонд биржаларида ахборот тўплашга доир) чиқарилган диретивалар асосида шаклланади, бу эса Европада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимларини уйғунлаштиришга ижобий рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Хусусий келишувлар бўйича молиявий ресурсларни жалб этиш бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимларини уйғунлаштиришни бунчалик рағбатлантирмайди. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини шакллантиришга бошқа мамлакатларнинг таъсирини бутун бир қатор сабаблар келтириб чиқариш мумкин. Айрим ҳолларда бундай таъсир фақат тасодифий бўлиши мумкин. Масалан, бухгалтерия ҳисобининг францўзча «режали» тизимини биринчи марта немислар мазкур мамлакатни иккинчи жаҳон уруши пайтида босиб олганларида жорий этишган эди, Бироқ кейинчалик Франция ҳукумати ундан воз кечмади,

ушбу тизимни иқтисодий бошқарувнинг фойдали воситаси деб эътироф этди. Бир қатор мамлакатларнинг Британия хамдўстлигига аъзо бўлиши уларга хам бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими таъсир этишга олиб келди, бунда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича Британия қонун ҳужжатларининг айрим қисмлари мустақил равишда, ҳеч қандай тазйиксиз, хилма-хил омилларни ҳисобга олган ҳолда танлаб олинди.

Мамлакатдаги умумий муҳит хам бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини шакллантиришга таъсир кўрсатади, яъни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасидаги бошқарув муайян вақт даврида шаклланган қандайдир иқтисодий жараёнларга жавоб бўлиши мумкин. Бўлар: авж олган иқтисодий танглик, инфляция, хилма-хил мулкчилик шакллари бартпо этиш (масалан МДХ мамлакатларида), мамлакатда юзага келган сугўрта компаниялари ва банкларга оид жанжаллар (масалан, «МММ»га ўхшаган бир қатор йирик акциядорлик жамиятлари пуфакдек ёрилган Россиядагидек) бўлиши мумкин.

Ушбу жараёнларнинг хаммаси пировардида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимида мамлакат итисодиётини хавфлардан холи этиш, юзага келган иқтисодий вазиятнинг иқтисодий оқибатларини иложи борича камайтириш ва ўз молиявий ресурсларини даромад олиш учун айрим корхоналарга қўйган инвесторларни хавфдан асраш мақсадида қонун меъёрларини тузатиш ва деталлаштиришга олиб келади.

II БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ

2.1. Бозор муносабатлари шароитида молиявий ҳисоботнинг айрим муаммолари ва улар таҳлилини ташкил этиш

Миллий иқтисодиётимизнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқаро амалиётда қўлланилаётган ҳисоб тизимига ўтиш зарурати пайдо бўлди. Бошқача қилиб айтганда, бозор иқтисодиётига ўтиш бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозалар билан интеграциялашувини талаб этади. Шунинг учун фойдаланувчиларга ошкор қилиниши лозим бўлган молиявий маълумотларнинг ҳажми, мазмуни ва шаклига, шунингдек бухгалтерия ҳисоботининг аудитига нисбатан ягона минимал талабларни қўйиш давр талабидир.

«Андозаларнинг қўлланилишини таъминлайдиган, уларни ҳаёт талабларига мослаштирадиган бутун бир тизимни яратиш зарур. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ислоҳоти бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим элементи эканлигига диққатни қаратган ҳолда, корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоботи шаклланишининг қоида ва ёндашувларини мувофиқлаштириш, ташкил қилиш ва чоп этиш мулкдорлар ва сармоядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур»¹²

Молиявий ҳисобот фойдаланувчилар учун мослаштирилган ҳолда содда ва тушунарли шаклда бўлиши керак. Иқтисодий адабиётларда ҳисоб тизимини тартибга солиш учун хорижий давлатлар ҳисоб андозаларидан фойдаланиш зарурлиги тез-тез тилга олинаиб турибди. Бундай фикрлар бизнинг минтакавий хусусиятларимиз учун унчалик тўғри келмайди, чунки бизнинг Республикамизда бухгалтерия ҳисобининг маълум тизими таркиб топган. Хорижий давлатларда ҳар бир мамлакат ўзининг миллий андозаларидан фойдаланади. Бу андозалар мамлакат миллий иқтисодиётига хос бўлган хусусиятларни ўзида акс эттиради,

¹² Юсупова М., Шералиев Х. Миллий истиклол ғояси ва Ўзбекистонда фан истикболлари. – Андижон. «Ҳаёт», 2001 йил.

чунки содир этилаётган молиявий-хўжалик муомалалари турли давлатларда турлича Талқин қилинади. Барча давлатларда ҳисоб юритишнинг умумий тамойилларига амал қилинади. Республикамизда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, жумладан миллий андозалар, ушбу тамойиллар асосида ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунгача бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Келгусида янги миллий андозаларни ишлаб чиқишда объектив воқелик асосида, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда иш олиб борилса, яхши натижаларга эришилади, деб уйлаймиз.

Молиявий ҳисоб муаммолари бўйича ўтказган изланишлари, аниқроғи, вилоятимиз аудиторлик фирмалари қатор аудиторлик хулосалари ҳамда қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш билан танишиб чиқиш асосида олимлар, молиявий ҳисобни юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қуйидаги йўналишларда муаммолар мавжуд эканлигини эътироф этмоқда:

-Чет эл сармояси жалб қилинган корхоналарда баланснинг маҳаллий бухгалтер ва хорижий бухгалтерлар томонидан икки хил тартибда тузилиши ва уларнинг аксарият ҳолларда бир-бирига мос тушмаслиги;

- Шунга мос равишда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби соҳасида Республикамиз сармоядорлари ҳамда чет эллик ҳамкорлар ўртасида фарқларнинг мавжудлиги;

-Асосий воситалар амортизациясини ҳисоблаш тартиби турличалиги натижасида маҳсулот таннархининг кескин ўзгариши;

-Молиявий назоратни ташкил этиш самарадорлигининг пастлиги ва хоказо.

Бир қарашда, юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун мамлакатда барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилганку, уларга амал қилинса кифоя, деган фикр тугилади. Ҳақиқатан, янги Низом юқорида айтилган биринчи ва иккинчи

муаммоларни, миллий андозалар эса учинчи ва тўртинчи муаммоларни хал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин қўшма корхоналар амалиёти шуни кўрсатаптики, бу корхоналардаги молиявий ҳисоб муаммолари асосан икки ҳамкор томон молиявий ҳисоб ва ҳисобот тамойилларининг турлича эканлигидан келиб чиқмоқда. Демак, мавжуд Низом ва йўриқномаларга янада аниқлик киритиш, керак бўлса, ўзгартириш зарур деб уйлаймиз. Масалан, баланс моддаларига, молиявий ҳисоботни тузишнинг асил йўриқномаларига шундай ўзгартиришлар киритиш керакки, токи улар жалб қилинган сармоядорларнинг оширишга хизмат қилсин. Бу шуни аниқладики, бугунги кунда корхонанинг ҳисоб сиёсати деган масалага алоҳида эътибор бериш керак. Ҳисоб сиёсати эса молиявий ҳисобнинг ўзагидир. Айтиб ўтилган муаммолар ҳақиқатан энг долзарб эканлигини инкор этмаган ҳолда, молиявий ҳисоб ва ҳисобот муаммолари бундан ҳам кенгрок эканлигини таъкидлаб утмоқчимиз. Хусусан, молиявий ҳисобни юритишда ҳисобнинг айрим участкаларида етарлича муаммолар мавжудлиги сезилиб қолмоқда. Фикримизни асослаш мақсадида бу тадқиқот объекти сифатида вилоят ишлаб чиқариш корхоналари олган.

Маълумки, молиявий ҳисобот маълумотларидан кўпчилик ҳолларда энг муҳимлари сифатида фойда, зарар кўрсаткичлари олинади.

Молиявий натижаларнинг фойда ёки зарар эканлигини эса қатор омиллар белгилаб беради:

1. Мулк қийматининг аниқланиши;
2. Товар моддий захиралар таннархини ҳисобдан чиқариш усулари;
3. Халқаро алоқаларда валюта муомалалари ҳисоби;
4. Янги хўжалик ҳолатларининг юзага келиши.

Санаб ўтилган омиллар даромадлар, харажатлар таркиби ва уларнинг молиявий ҳисоботларда акс этирилишига таъсир қилади. Товар моддий захиралар таннархини ҳисобдан чиқариши усуллари вужудга келишининг асосий сабаби бу хом ашё ва материаллар баҳосининг тинимсиз ўзгаришидир.

Молиявий ҳисоб ва ҳисобот муаммоларини ҳал этишда кўп жихатдан бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий тартибга солиниши муҳим бўлади.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий тартибга солиниши барча давлатлар қонунчиликларининг турли соҳаларга таъсири бўйича икки гуруҳга бўлинади:

1. қонуний катъий, мукамал ҳолда ишлаб чиқилган давлатлар
2. қонунчиликнинг умумҳуқуқий йўналишга эга бўлган давлатлар

Биринчи гуруҳ давлатларида қонунлар ўзларида «сиз мажбурсиз» деган характерда ишлаб чиқарилади. Жисмоний ва ҳуқуқий шахслар қонунга тўла бўйсунмишлари керак. Бундай давлатларда ҳисоб андозалари қонунчилик асосида ишлаб чиқарилади. Ҳисоб юритиш деталлаштирилган ҳолда амалга оширилади ва каттик назорат қилинади. Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси давлат солиқларини тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида тўлиқ тўлаш устидан назорат қилиш ҳисобланади. Бундай давлатларга мисол қилиб Германия, Франция, Аргентинани келтиришимизнинг мумкин. Иккинчи гуруҳ давлатларида қонунлар «сизга руҳсат йўқ» деган маънони ифодалайди. қонунлар жисмоний ва ҳуқуқий шахслар фаолият кўрсатиши мумкин бўлган чегаларни кўрсатиб беради. Ҳисоб андозалари бу давлатларда давлат томонидан эмас, балки турли профессионал ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилади. АҚШ, Буюк Британия шу каби давлатларга яққол мисол бўла олади. Ҳисоб ижтимоий ва Иқтисодий шароитларнинг мавжудлик даражаси, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, бошқарув-молиявий тизим мутахассис кадрларни тайёрлаш даражасига боғлиқ ҳолда шаклланади. Бу шароитлар бир-бирига боғланган. Юқори даражада ишлаб чиқариш жараёнининг ҳисобини юритиш учун етук мутахассис бухгалтер керак бўлади.

Давлат етук бухгалтерлар тайёрлашни йўлга қўймаса, бу давлатда бухгалтерия ҳисоби ривожланмай қолади. Худди шундай фикрни молиявий ахборот истеъмолчилари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Молиявий ахборотни қайта ишлаш ва тайёр ҳолда истеъмолчиларга бериш истеъмолчиларнинг касбий

маданияти, маълумоти, ахборотни қай даражада қабул қилинишини эътиборга олиб ташкил этилиши керак. Йирик трансмиллий компаниялар ўзларининг асосий бошқарув биносини ривожланган давлатларда очганлар. Бу давлатларда ҳисоб тизими яхши ривожланган ва етук мутахассис кадрлар мавжуд. Иқтисоди тез ривожланаётган давлатларда иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олишни амалга оширувчи яхши тизим ва етарли билимга эга бўлган кадрлар йўқ. Бухгалтерия ҳисоби тизими иқтисодий усишдан орқада қолган. Махсус адабиётларни ўрганиш натижасида бундай давлатларга мисол қилиб Тайвань, Жанубий Корея, Бразилияни келтиришимиз мумкин. Бухгалтерия ҳисоби халқаро ривожланиши тарихига назар ташлашимизнинг сабаби аллақачон маълум бўлган нарсаларни қайта ихтиро қилишнинг ҳожати йўқ эканлигини айтиб ўтиш ҳолос. Ана шу тамойилга амал қилган ҳолда молиявий ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тузиш бўйича мамлакатимиз бухгалтерлари олдида юзага келган муаммоларни ҳал қилиш йўллари бухгалтерия ҳисоби халқаро андозаларга асосланиб аниқлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бухгалтерия ҳисобининг муҳим ва маъсулиятли босқичи хўжалик муомилаларини умумлаштириш ва ҳисоботлаш ҳисобланади. Ҳисоботлаш асосида корхона хўжалик фаолияти якунини реал ифодаси суратланади. Негаки муайян санага ва даврга бўлган ҳолат қатъий белгиланган шаклда умумлаштирилган ҳолда ифода этилади. Ҳисоботлаш умумий таркибланган концептуал асосларда тузилади. Бу асосларни негизида бевосита молиявий ҳисоботлаш тамойиллари туради дейиш ҳам мумкин. Молиявий ҳисоботлашнинг барча тартиб қоидалари давлат ҳисоб сиёсати асосида белгиланади, тартибга солинади ва назорат қилинади. Ушбу вазифани давлат органи бўлган Молия Вазирлиги бажаради. Молиявий ҳисоботларни тузишни микро ва макро кўлами халқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларни ҳам аниқ натижасини баҳолаш имконини беради. Шунингдек реал иқтисодий ва молиявий салоҳиятни оғирлигини аниқлаш мумкин бўлади. Молиявий

хисоботлар тузишдан мақсад шунчаки топшириш эмас, балки ахборот фойдаланувчилар, мухими бошқарувчилар учун зарурий ахборотларни беришдан иборат. Ушбу ахборотларда бировнинг зиёни ёки бошқа бировни фойдаси акс этмайди. Унда ҳамма учун бир хилда аҳамиятга эга бўлган умумлашган маълумотлар акс этади. Худди шу қоида молиявий хисоботлар ва ахборотларни ошқор этиш тамойилига бўйсундиради. Яъни молиявий хисобот ошқоралик принципи асосида тузилади. Корхоналар томонидан молиявий хисобот шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигини «Молиявий хисоботларни тузиш ва топшириш тартиби тўғрисида»ги Низоми асосида белгиланади.

Уларнинг қуйидаги таркиби мавжуд:

- 1-шакл «Бухгалтерия баланси,
- 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот»,
- 3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги хисобот»,
- 4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги хисобот»,
- 5-шакл «Хусусий капитал тўғрисидаги хисобот шакллари.

Шунингдек молиявий хисоботга илова сифатида маълумотномалар ва тушунтиришлар берилади. Молиявий хисобот тўлиқ хисобга олиш қоидаси тузилади (Пул оқимлари тўғрисидаги хисоботдан ташқари). Молиявий хисоботлар тузилиш даври бўйича чораклик, ярим йиллик 9 ойлик ва йиллик хисоб шаклларига бўлинади. Хисоботни ягона ўлчови миллий валюта сўм қилиб белгиланган. Молиявий хисоботлар корхона молия-хўжалик фаолиятини, молиявий аҳолини баҳолашнинг, корхонага иқтисодий ташхис қўйишнинг муҳим манбайи хисобланади. Корхона молиявий хисоботини чуқур таҳлил этиш, уни мазмунли ўқиш бир қадар мураккаб масала. Шу сабабли ҳам таҳлилда юксак билим ва маҳорат, энг мухими ўқув кўникмаси талаб этилади. Корхона молиявий хисоботини унинг дунёвий харитаси дейиш мумкин. Бу харитада корхона сарҳадлари, моддий ва номоддий бойликлари, унинг иқтисодий қудратини акс эттирувчи барча бирликлар акс этади. Молиявий хисоботни таҳлил этишда

қуйидаги усуллар мажмуасидан фойдаланилади молиявий хисоботни ўқиш, горизонтал таҳлил ва вертикал таҳлил, омилли таҳлил ҳамда коэффициентлар таҳлили. Шунингдек иқтисодий таҳлилнинг оддий ва математик усуллари ҳам ушбу усуллар негизида қатнашади.

Корхона молиявий ҳолатига тавсиф бериш, унинг оғриқ нуқталарини аниқлаш, имкониятларини ўрганиш, иқтисодий нохушликларни олдини олиш йўллари, соғломлаштириш чора - тадбирларини белгилаш молиявий таҳлилнинг муҳим мақсади ҳисобланади.

Молиявий таҳлил мазмунини қуйидагилар ташкил этади:

-корхона мулки, капитали ва мажбуриятларини баҳолаш, тўлов лаёқати ва молиявий барқарорлигини таҳлил этиш;

-асосий воситалар ва улардан самарли фойдаланиш таҳлил этиш;

-пул маблағлари ва улар ҳаракатини таҳлили;

-хусусий капитал таҳлили;

Молиявий таҳлилда таҳлилчи субъектлар манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги лозим. Шу сабабли таҳлилнинг ташкил этишда 2 та шакл белгиланади. Ички молиявий таҳлил ҳамда ташқи молиявий таҳлил. Ички молиявий таҳлил комплекс таҳлил турига кириб, унда корхона молиявий ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқилади ва хулоса қилинади. Ташқи молиявий таҳлил ташқи ахборот фойдаланувчилари томонидан ўтказилиб ўзининг мақсади ва мазмуни билан ички молиявий таҳлилдан фарқ этади. Молиявий таҳлилнинг ташкил этишда субъектлар мақсади асосий ўринга қўйилади. Негаки бу таҳлилнинг мазмуни белгилаб беради.

Тўртинчи даражага эса, корхоналарда қабул қилинадиган, бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш билан боғлиқ ҳужжатларни келтириш мумкин.

Бош бухгалтер вазифалари

ҳисоб ишларини тўғри ташкил этиш
корхона мулкчилигини сақланишини назорат этиш
корхона товар моддий бойликлари оқилона сарфланишини таъминлаш
корхона товар моддий бойликларидан самарали фойдаланишини ўрнатиш
хўжалик жараёнларини ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштиришни таъминлаш, ҳужжат айланишини тўғри ташкил этиш
ҳисоб маълумотлари тўғрилигини, мулкчилик сақланишини таъминлаш мақсадида инвестицияни белгиланган муддатда, ўрнатилган тартиб ва ўтказилишини ва натижалар ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини таъминлаш
Смета ва молия тартибларига риоя этилишини назорат этиш

1.2-чизма. Бош бухгалтер вазифалари

Шунингдек ўтказиш шаклига кўра -ўзи томонидан таҳлил -ёлланган мутахассисларни жалб этиш орқали таҳлил -алоҳида таҳлил бўлимини ва мутахассислигини ташкил ташкил этиш асосида таҳлил ўтказиш турларини ажратиш мумкин.

Таҳлилни ташкил этишда қуйидаги муҳим жихатларни ҳам белгилаш лозим:

- Таҳлилчини касб этикасини белгилаш;
- Таҳлил этишда 3-субъектларга ечимни ошкор этмаслик;
- Таҳлилни ташкил этишни меъёрий асосларини тузиш ва х.к.

2.2. Корхонанинг молиявий салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Унинг энг асосий тамойилларидан бири иқтисодиётни эркинлаштиришдир. Чунки режали иқтисодиёт шароитида иқтисодиётни бошқариш механизми давлат тасарруфида эди. У барча мулкка эгаллик қилиш билан бирга режа орқали бошқаради. Иқтисодиётни

эркинлаштириш жараёни кетаётган бир даврда хар бир корхонанинг мустақиллиги таъминланиши билан бирга, унинг маъсулияти хам ошмоқда. Бу хамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларида хам қайта-қайта таъкидланмоқда. Бундай шароитда хар бир корхона ўзининг маблағига, ўзининг бошқариш усулига, мулкига, хамжихат меҳнат жамоасига, мулк эгаларига эга бўлиши керак. Бу барча мавжуд мулканинг асосий манбаи корхонанинг молиявий салоҳиятини ташкил қилади. Молиявий салоҳият хар бир хўжалик юритувчи субъектда етарли бўлиши мумкин. Улар икки манбадан таркиб топади. Биринчидан, хар бир корхонанинг ўз маблағи бўлса, иккинчидан, ўз фаолиятини таъминлаш учун четдан хам қарз, ссуда тариқасида жалб қилинган маблағларидир. Корхонанинг молиявий салоҳияти деб унинг фаолиятини тўлиқ таъминлайдиган турли манбалардан таркиб топган молиявий маблағлар мажмуасига айтилади. Хар қандай фирма ёки корхона фаолият юритиш учун энг аввало меҳнат воситалари, меҳнат предметлари ва жонли меҳнат сохибига (ходимларга) эга бўлиши шарт. Бу эса ўзўзидан шаклланиб қолмайди. Буни ташкил қилиш учун молиявий маблағлар зарур бўлади. Бозор муносабатлари шароитида корхоналар молиявий салоҳиятининг таркиби ва тузилиши сифат жихатидан янги босқичга кўтаридди, чунки режали иқтисодиёт шароитида корхонанинг барча молиявий салоҳияти давлат томонидан шакллантирилар эди, хатто банклардан олинган кредитлар хам давлатники эди. Эндиги молиявий салоҳиятнинг эгаси бор. У «бизники»дан «меники» деган тушунча билан алмаштирилди. Бундай шароитда корхона учун молиявий салоҳиятнинг шаклланиши хам, унинг ишлатилиши ва таўсимланиши хам мухим ахамият касб этади. Шу туфайли бу салоҳиятни хар бир хўжалик юритувчи субъектлар бўйича баҳолаш, кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш объектив заруратга айланиб бормоқда. Хар бир корхона ўзининг молиявий салоҳиятидан қандай фойдаланаётганлигини билиши учун уни доимий равишда таҳлил қилиб турмоғи лозим.

Корхонанинг молиявий салоҳияти деганда, уни соддароқ қилиб ифодаланса, молиявий маблағлар билан таъминланиш манбалари мажмуасини тушуниш мумкин. Корхонанинг молиявий салоҳиятининг таҳлили иқтисодий таҳлилининг таркибий ўисми бўлиб қолмоғи лозим. Чунки ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий салоҳиятини ўрганмай туриб, унинг молия хўжалик фаолиятига одилон ва тўғри баҳо бериб бўлмайди.

Корхона молиявий салоҳияти таҳлилининг вазифалари турлича. Буларнинг аниқ йўналишлари ва сони молиявий салоҳиятни кимлар ва қайси мақсадда таҳлил қилишига боғлиқ, масалан, мулк эгаси таҳлил қилса унга молиявий салоҳият ҳолати, таркиби ва самарадорлиги муҳим, банклар таҳлил қилса ўзлари берган ссуданинг молиявий салоҳиятдаги улуши, унинг ўз вақтида маълум бир фоиз билан қайтишини таъминлай олиши муҳим, статистика ва истиқболни белгилаш органлари таҳлил қилса ҳақиқий эришилган натижа муҳим, акциядорлар таҳлил қиладиган бўлса уларнинг ҳам ўзига яраша манфаатлари бор ва хоказо. Шу нуқтаи назардан таҳлилнинг вазифаси айнан шу деб уни чегаралаб бўлмайди, шунинг учун унинг вазифасини аниқлашда таҳлилнинг мақсади ва ўша шароитдаги реал иқтисодий вазиятдан келиб чиқиш лозим.

Корхона молиявий салоҳиятини таҳлил қилишнинг умумий вазифаси қуйидагилардан иборат:

1. Молиявий салоҳият умумий ҳажмини ва йил давомида унинг ўзгаришини аниқлаш.
2. Молиявий салоҳият таркибини, ундаги таркибий ўзгаришларни аниқлаш.
3. Молиявий салоҳият ҳолатини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларни аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш.
4. Молиявий салоҳият ҳолатини ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш.

5. Молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш.

6. Молиявий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

7. Молиявий салоҳиятдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва шу бўйича тегишли бошқарув ўарорларини ўабул қилиш учун ахборотларни тайёрлаш. Молиявий салоҳият бу анча кенг ўамровли тушунча, шу туфайли уни битта ёки бир қанча кўрсаткичлар билан ифодалаб бўлмайди. Уни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий салоҳият

- ❖ Ўз маблағлари (хусусий капитал)
- ❖ Четдан жалб қилинган маблағлар (капитал)
- ❖ Қўйилган капитал
- ❖ Тўпланган капитал
- ❖ Узоқ муддатли қарзлар
- ❖ Қисқа муддатли мажбуриятлари

Бироқ кўрсаткичлар тизими бу бир қанча кўрсаткичлар тўплами деган гап эмас. Кўрсаткичлар тизими деганда бир категорияга мансуб бир қанча кўрсаткичларни маълум белгилари бўйича аниқ гуруҳларга бўлинган кўрсаткичлар туркуми тушунилади.

Молиявий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни жихатидан икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Молиявий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2. Молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ҳар иккала гуруҳ кўрсаткичларига ҳам бир қанча кўрсаткичлар киради ва улар мажмуаси кўрсаткичлар тизимини ташкил қилади. Молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар асосан унинг қандай

фойдаланаётганидан далолат беради. Бу кўрсаткичлар асосида натижа билан молиявий салоҳият ўртасидаги нисбат ётади.

Булар ҳам бир қанча гуруҳларга бўлинади:

1. Мс. самарадорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар.
2. Мс. самарадорлигини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар.
3. Мс. самарадорлигини ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Шу уччала гуруҳ кўрсаткичлар ҳам ўз навбатида бир қанча алоҳида гуруҳларни жамлайди. Шунини алоҳида таъминлаш жоизки, корхоналар молиявий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар хали иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган эмас. Шу туфайли ушбу кўрсаткичлар тизимида мунозарали ва такомиллашиши лозим бўлган кўрсаткичлар ҳам бўлиши мумкин.

Молиявий салоҳият ҳолатини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичларга қуйидагилар киради.

Молиявий салоҳият кўрсаткичлари

- Мс. ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар
- Мс. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар
- Мс. ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар
- Ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар
- Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар
- Умумий кўрсаткичлар
- Ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар
- Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, Мс.нинг ҳолатини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар бир қанча. Аммо уларнинг сони фақат ушбу чизмадаги кўрсаткичлар билан ҳам чекланиб қолмайди. Масалан, Ум.нинг четдан жалб қилинган маблағлар ЧЖКМ билан боғлиқ кўрсаткичлари яна иккита

кўрсаткичларга: Ум.нинг узок муддатли Чжкм га ва қисқа муддатли Чжкм га бўлинади. Худди шундай бошқа кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мумкин.

Навбатдаги гуруҳ кўрсаткичлар корхона молиявий ҳолатини ифодаловчи четдан жалб қилинган кўрсаткичлардир. Бу ҳам ўз навбатида бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Молиявий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

- ❖ Ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар
- ❖ Четдан жалб қилинган маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар
- ❖ Ўз маблағларининг тўпланиш (концентрацияси) коэффиценти
- ❖ Умумий қарамлик коэффиценти
- ❖ Четдан жалб қилинган маблағларнинг умумий тўпланиш коэффиценти
- ❖ Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларининг тўпланиш коэффиценти
- ❖ Ўз маблағларининг қисқа муддатли қарзларга қарамлик коэффиценти
- ❖ Ўз маблағларининг узок муддатли қарзларга қарамлик коэффиценти
- ❖ Ўз маблағларининг капиталлашганлик коэффиценти
- ❖ Ўз маблағларининг фаоллик коэффиценти
- ❖ Ўз маблағининг узок муддатли
- ❖ Активларда иштирокини таъминлаш коэффиценти
- ❖ Узок муддатли четдан жалб қилинган маблағларининг тўпланиш коэффиценти
- ❖ Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларининг активлардаги хиссаси
- ❖ Четдан жалб қилинган маблағларининг умумий оборот активлардаги таркибий коэффиценти

- ❖ Четдан жалб қилинган маблағларининг оборот активларидаги хиссасининг коэффиценти
- ❖ Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларининг асосий воситалардаги хиссаси

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу шу корхона раҳбарларига ўз фаолиятини тўғри баҳолаш молиявий ахволини билиш имконини берса, инвесторларга ўз маблағини қўйиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил қилиш учун бирор қарорга келишига асос бўлади. Молиявий салоҳият таҳлили шу фирма кредиторларга пулларини тўлаш мумкинлигини кўрсатади ва улар билан яна иқтисодий алоқаларни давом эттириш учун ишонч ҳосил қилади. Нихоят ушбу кўрсаткич таҳлили аудиторларнинг тўғри хулоса чиқариши учун асосий дастак бўлиб хисобланади. Корхонанинг молиявий салоҳияти унинг турли манбалардан таркиб топган молиявий маблағлари мажмуасидан иборатдир. Корхонанинг молиявий салоҳияти таркиби

Молиявий салоҳият

- Ўз маблағлари (хусусий капитал)
- Мажбуриятлар (четдан жалб қилинган маблағлар)
- Узоқ муддатли
- қисқа муддатли
- Кредиторлар

Биз таҳлил қилаётган корхонада, корхонанинг молиявий салоҳияти ҳисобот йилида 103,8% кўпайган. Энг эътиборли хусусияти шундаки корхонанинг ўз маблағлари 109,4% кўпайган бир пайтда четдан жалб қилинган маблағлар эса 0,6%га камайган (100—99,4). Бу унинг таркибий ўзгаришида ҳам ўз ифодасини топади. Таҳлил қилинаётган даврда корхонанинг ўз маблағлари 2,4% кўпайган бўлса, шу миқдорда четдан жалб қилинган маблағлар камайган. Бу мажбуриятларнинг узоқ муддатли пасивлар бўйича 1,1% банд, қисқа муддатли

пассивларнинг эса 1,5% банд камайиши эвазига содир бўлган. Мажбуриятлар таркибида кредитор қарзларнинг таркиби 0,2% бандга ошган. Хар қандай корхонанинг ўз маблағлари билан боғлиқ бўлган молиявий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар туркумига етгита кўрсаткич киради. Бу кўрсаткичлардан ўз маблағларининг тўпланиш коэффицентидир. Ўз маблағининг тўпланиш коэффицентини (Кўмк) топиш учун ўз маблағлари (Ўм) суммасини бухгалтерия балансининг жами суммасига (Б), яъни барча маблағлар хажмига бўлиш билан аниқланади: $\text{Ўм Кўмк} = \text{Б}$ Корхонада молиявий салоҳиятнинг умумий молиявий қарамлик коэффицентини хам муҳим кўрсаткичлардан биридир. Буни аниқлаш учун бухгалтерия баланси жами суммасини (Б) хусусий капиталнинг (ўз маблағининг) суммасига (Ўм) бўлиш лозим. Бу учун қуйидаги формулани қўллаш мумкин:

$$\text{Б Кмк} = \text{Ўм}$$

бунда: Кмк — молиявий қарамлик коэффицентини.

Корхона молиявий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ўз маблағларининг умумий четдан жалб қилинган маблағларга қарамлик коэффицентини (Кўчжм). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун барча четдан жалб қилинган маблағлар умумий суммасини (Чжкм) ўз маблағлари суммасига (Ўм) бўлиш лозим.

Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланилади: $\text{Чжкм Кўчжм} = \text{Ўм}$ Молиявий салоҳиятнинг ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлари ҳақида тўғри ва чуқур ҳулоса қилиш лозим.

Бу учун эса молиявий салоҳиятнинг шу гуруҳи бўйича комплекс кўрсаткични аниқлашни тақозо қилади.

Бу учун қуйидаги формулани тавсия қилиш мумкин.

$$\text{КкМс} = \text{Кўмк} + \text{Кмк} + \text{Кўчжм} + \text{Кўум} + \text{Кўкм}$$

Бозор муносабатлари шароитида хар бир корхона четдан жалб қилинган маблағларни ўз фаолиятига жалб қилган ҳолда ишлаши табиий, чунки хамиша

хам корхонанинг ўз маблағлари етарли бўлмаслиги мумкин. Корхонанинг молиявий салоҳиятини ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичларига, энг аввало, унинг умумий тўпланиш даражаси (концентрацияси) киради. Бу кўрсаткич четдан жалб қилинган маблағларнинг умумий маблағлардаги улушини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун четдан жалб қилинган умумий маблағларни (ЧЖКМ) бухгалтерия баланси умумий суммасига (Б) бўлинади.

Молиявий салоҳиятнинг ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Хусусан, узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар тўпланиш коэффициенти (КуМс) ҳам молиявий салоҳиятнинг таркибий тузилишини ифодалайди. Унинг миқдори барча молиявий салоҳиятнинг қанча қисми узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлардан иборат эканлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун узоқ муддатли четдан жалб қилинган пассивлар суммасини (УМс) бухгалтерия баланси жами суммасига (Б) бўлиш кифоя.

Молиявий салоҳият ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг узоқ муддатли активлардаги ҳиссасининг таркибий коэффициенти (Куав). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун узоқ муддатли четдан жалб қилинган пассивлар (УМс) суммасини узоқ муддатли активларнинг (Ума) қийматига бўлинади. Корхона молиявий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг (Умчжкм) таркибий коэффициенти (Кумчжкм) ҳам киради. Бу кўрсаткич Умчжкм.нинг барча четдан жалб қилинган маблағлардаги ҳиссасини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун Умчжкм. суммасини умумий Чжкм. суммасига бўлиш лозим.

Корхона молиявий салоҳияти (салоҳияти) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таснифи.

Корхона молиявий салоҳияти самарадорлигининг таҳлили келтирилган кўрсаткичлар бўйича қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- самарадорликни ифодаловчи мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларнинг ўтган ва ҳисобот йилидаги миқдори аниқланади;
- шу кўрсаткичлар бир-бири билан солиштирилиб уларнинг фарқи ҳисобланади;
- ўзгариш суръатлари аниқланади;
- уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳисобланади;
- ҳамма ҳисоб-китоблар натижасида жадвал тузилади;
- жадвалга асосан тегишли хулоса қилинади.

Масалан, молиявий салоҳият умумий ҳажмининг ўсиш суръати 102,9%ни ташкил қилган бир пайтда, корхонанинг ўз маблағлари атиги 100,8%га ўзгарган. Таҳлил қилинаётган даврда четдан жалб қилинган маблағларнинг ўзгариш суръати нисбатан юқори ва унинг миқдори 104,6%ни ташкил қилади.

2.3. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили

Мустақиллик даврида ўтаётган ҳар бир кун жамятимизнинг мазмун жихатидан янгиланаётганлигидан далолат бериб келмоқда. Янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни билиш, назарий ва амалий жихатдан тадқиқ қилиш, услубий муаммоларни ҳал қилишга кўпинча улгуриш қийин бўлмоқда. Ана шундай янги иқтисодий тушунчалардан бири корхонанинг иқтисодий салоҳияти тушунчасидир. Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган таҳлилга оид адабиётларда корхонанинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини таҳлил қилишда асосан унинг тасарруфидаги активларни ўрганиш билан чекланиб қолинмоқда. Бу, бизнинг фикримизча, корхонанинг иқтисодий фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш учун назарий ва услубий жихатдан етарли эмас,

чунки корхонанинг иқтисодий фаолияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ. Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида фақат корхонанинг активлари эмас балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан, ишлаб-чиқариш жараёни олайлик. Унинг содир бўлиши учун албатта моддий-техник таъминоти, яъни ускуналар, жихозлар, бино, хом ашё кабилар зарур. Аммо хар қандай илғор техника, юқори сифатли хом ашё ўз-ўзидан иқтисодий жараённи содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди. Унга албатта одамнинг аралашуви, яъни жонли меҳнатнинг муштараклиги ва иштироки зарур. Демак, иқтисодий жараёнларни содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда жонли меҳнатнинг ҳам иштирокини таъминлаш лозим экан, шундагина ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади амалга ошади.

Бундан кўриниб турибдики таҳлилда фақатгина бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашган корхона эгаллиги ёки тасарруфидаги моддий бойликларни (активларни) таҳлил қилиш билан чегараланиб қолиш, унинг иқтисодий фаолияти тўғрисида тўлиқ хулоса қилиш учун етарли эмас экан. Бу эса ўз навбатида корхонанинг иқтисодий ахволига тўлиқ ва батафсил баҳо бериш учун унинг активлари билан биргаликда меҳнат ресурсларини ҳам қўшган ҳолда таҳлил қилишни тақозо қилади. Режали иқтисодиёт шароитида таҳлилга оид адабиётларда корхоналарнинг моддий бойлигини (ресурсларини) ва меҳнат ресурсларини барча ресурслар мажмуаси сифатида қаралиши кўзда тутилган эди. Уларнинг таҳлили барча бойликлар (ресурслар) таҳлили, деб юритилар эди. Аммо иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилига асосланган бозор муносабатлари ҳукм сураётган шароитда иқтисодий жараёнлар таркибида моддий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Буларнинг таркибига муаллифлик ҳукуки, патентлар, ноу-хау, савдо маркаси, рухсатномалар (лицензиялар) каби тушунчалар қиймати киради. Булар моддий бўлмасида корхонага худди моддий бойликлар сингари маълум даражада фойда келтиради. Аммо уларни корхонанинг моддий бойлигига (ресурсига)

киритиш мумкин эмас, чунки улар шакли, мазмуни ва моҳияти жихатидан номоддийдир. Эндиликда корхонада иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириши учун моддий (асосий воситалар, айланма маблағлар) ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамланмасини олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб аташ етарли бўлмайди, чунки уларнинг таркибига номоддий активлар кирмайди. Шу туфайли уларни корхонанинг иқтисодий салоҳияти деб аташни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки бунда моддий ресурслар билан биргаликда номоддий активлар ва меҳнат ресурслари тўлиқ ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда унда содир этилган иқтисодий жараённи тўлиқ таъминлайдиган барча моддий ва Меҳнат ресурслари ҳамда номоддий активлар тушунилади. Ушбу назарий мулоҳаза бевосита корхонанинг иқтисодий салоҳиятига тегишли бўлганлиги туфайли уни баҳолашнинг баъзи назарий ва методологик жихатларга, иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан, эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Қуйида иқтисодий салоҳиятни характерловчи кўрсаткичларни таснифи, самараси ва натижавийлигини ифода этувчи бирликлар билан танишиб чиқамиз Юқоридаги кўрсаткичлар ичида моддий ресурсларни баҳолаш масаласи хал этилган, лекин меҳнат ресурсларини баҳолаш масаласи узининг мураккаблик жихатига эга ва шу пайтга қадар молиявий ҳисоботлашда ўзининг ўрнига эга эмас.

Ҳозирги пайтда меҳнат ресурсининг баҳосини бемалол аниқлаш учун қонуний асос яратилган, чунки Республикамизда оддий ишчидан тортиб то етук мутахассисгача уларни тайёрлаш харажати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу харажатлар ходим иш кучининг биринчи бошланғич "шартли баҳоси" бўлиб ҳисобланади. Сўнгра унинг малакасини ошириш, қайта ўқитиш учун харажат қилинса, булар ҳам унинг ушбу бошланғич баҳосига қўшилади. Бундай қилиш зарурлигининг иккинчи томони шундаки,

хозир кўпчилик мутахассисларни тайёрлаш корхона ҳисобидан пул тўлаш эвазига амалга оширилмоқда. Демак, корхона ўқишни битирган талабани ишга қабул қилса, унинг иш кучи қиймати шу корхона учун аниқ бўлади. Масалан, ходим корхона ҳисобидан 4 йил ўқиган. Биринчи йилда унинг ўқиши учун 200 минг сўм, иккинчи йилда 280 минг сўм, ва ниҳоят тўртинчи йилда 300 минг сўм пул тўлаган деб фараз қилсак унинг "шартли баҳоси" 1030 минг сўмни ташкил қилади. Агар ходимнинг ўқиши давлат ёки шахсий ҳисобдан амалга оширилса, у ҳолда корхона мазкур ишга қабул қилиш билан ушбу харажатга тенглаштирган миқдорда унинг қийматини белгилаш мумкин. Бундан ташқари ҳар йили давлат томонидан диплом берилган бакалавр, мутахассис ёки магистрнинг "нархини" ҳам марказлашган тарзда аниқлаб эълон қилиб туришлари мумкин. Ходимлар иш кучининг умумий қийматини пулда ифодалаш учун қуйидаги амални бажариш лозим. Биринчидан, барча ходимларни категорияларга бўлиб чиқилади. Ҳар бир категориядаги ходимларни тайёрлашга кетган қиймати аниқланиб шу категория бўйича уларнинг умумий суммаси топилади. Иккинчидан, ҳар бир категория бўйича аниқланган суммаларни қўшиб ходимлар иш кучининг "шартли баҳосини" ифодаладиган жами суммасини топиши мумкин. Бу учун қуйидаги математик моделни қўллашни тавсия қиламиз: $X_k = \sum_{i=1}^n a_i + b_i$, Бунда: X_k -ходимларни тайёрлашга кетган харажатларнинг жами суммаси; i -ходимлар категориясининг тартиб сони ($i=1, n$); n -ходимлар категориясининг умумий сони; a_i - i -категория ходимларни тайёрлашга кетган харажатлар;

V_i - i -категория ходимларнинг малакасини оширишга кетган харажатлар. Энди корхонанинг иқтисодий салоҳиятининг умумий қийматини аниқлаш мумкин. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз: $K_{ис} = A_v + A_{им} + N_{ф} + X_k$, бунда: A_v - асосий воситаларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати; $N_{ф}$ -номоддий активларнинг ўртача қиймати; X_k -ходимларнинг ўртача "шартли қиймати". Агар ушбу формуладаги натижани "У" деб, омилларни $X_i \in n$ деб белгиласак, юқоридаги формуланинг математик кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$Y = \sum X_i = X_1 + X_2 + X_3 + X_4$ Ушбу математик моделга таҳлилнинг анъанавий усуллари кўллаб амалий маълумотлардан фойдаланган холда натижанинг ўзгаришини таъминловчи барча омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқса бўлади. Буни амалга ошириш учун бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботлар асосида корхона иқтисодий салоҳиятига кирувчи категорияларни алоҳида элементлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг таркибий тузилиши қуйидаги чизмада келтирилган.

Корхона иқтисодий салоҳиятини харажатлар нуқтаи назаридан жорий ва келтирилган харажатлари бўйича баҳолаш мумкин. Таҳлилнинг афзаллиги шундаки, битта иқтисодий категорияни бир қанча ўлчамларда (қийматда, натурал миқдорда, ҳажмда ва хоказо) ифодалаш мумкин. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини келтирилган харажатлар (Кпкх) нуқтаи назаридан ҳисоблаш унинг қанча қисми шу ҳисобот даврида янгидан яратилган маҳсулот (иш хизмат) қийматига киришини аниқлаш учун зарур бўлади.

Йил давомида эскириш суммасини ва ишчи ва хизматчиларга тўланадиган меҳнат ҳақи (Мх) суммасини олиш мумкин.

Буни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:
 $K_{пкх} = (A_v * A_n) + A_{йм} + (H_f * Э_n) + M_x$, бунда:

A_n -асосий воситаларнинг эскириш (амортизация) нормаси;

$Э_n$ -ативларнинг эскириш нормаси;

M_x -Меҳнатга тўланадиган ҳақ суммаси.

Бу корхона иқтисодий салоҳиятининг жорий даврида ишлатилиши мумкин бўлган қийматини ифодалайди. Уни корхона иқтисодий салоҳиятининг келтирилган харажатлари деб аташ мумкин. Корхона иқтисодий салоҳиятини жорий харажатда ифодалаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу унинг жорий йилда ишлатилиши эвазига қанча харажат кетганлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич умуман олганда харажатлар таркибида ифодаланади, масалан, саноат корхонасини оладиган бўлсак, ушбу харажатлар ишлаб чиқариш харажатларида

Ўз ифодасини топади. Бироқ, ишлаб чиқариш харажатлари таркибида фақат иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш учун эмас, балки бутун хўжалик фаолиятини юргизиш учун кетган харажатлар йиғиндиси ифодаланган. Шу туфайли иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш учун сарф қилинган жорий харажатлар миқдорини аниқлаш ҳам уларнинг самарадорлигини баҳолаш, таҳлил қилиш ва бошқариш учун муҳим аҳамиятга эга. Асосий воситалар (капитал) учун сарф қилинган жорий харажатларга (Авх) асосий воситалар амортизацияси; бинолар, жихозлар ва енгил машиналарни таъмирлаш ва ижарага бериш харажатлари; таъмирлашга кетган харажатлар; моддий неъматларни суғурта қилишга кетган харажатлар киради. Номоддий активлардан фойдаланганлик учун сарф қилинадиган харажатлар (Нфх) таркибига номоддий активларнинг таҳлил қилинаётган даврда ажратилган эскириш қиймати ва бошқа шу категория билан боғлиқ харажатлар киради. Айланма маблағлар бўйича жорий харажатларга (Амх) маҳсулотлар, хом ашё ва захираларни бошқа турларини ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилиш қиймати ва бошқа шу каби харажатлар сарфлари киради. Меҳнат салоҳиятидан фойдаланганлик учун сарф қиланган жорий харажатларга (Хмх) меҳнат ҳақи харажатлари ижтимоий суғуртага ажратмалар, кадрлар тайёрлаш, пенсия фондларига ажратмалар киради.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти бу кенг қамровли ва теран тушунча. Унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш учун албатта кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш лозим. Аммо кўрсаткичлар сонининг кўплиги ёки озлигига қараб ўрганилаётган объект ёки категорияни баҳолаш учун етарли ёки кам деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шу туфайли кўрсаткичлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим. Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун энг аввало уларни илмий асосланган ҳолда таснифлаш лозим. Иқтисодий таҳлилда кўрсаткичлар жуда кўп белгилари билан таснифланади. Аммо биз ушбу ишда

корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни фақат иқтисодий мазмуни бўйича таснифини кўриб чиқамиз. Чунки кўрсаткичларни ушбу белгиси билан таснифлаш иқтисодий хулоса чиқариш учун етарли бўлади.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари ичида асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг анча маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими асосий воситалардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади. Шу боис ушбу воситаларни ифодаловчи кўрсаткичларга омиллар ҳам алоҳида аҳамият бериб келган ва келмоқда. Бу борада Ўзбекистонлик олимлардан И.Т. Абдукаримов - асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичларни уч гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.¹³

- асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Таҳлил жараёнида айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий адабиётларда эътироф этилиши бўйича, ушбу муаммонинг ҳал қилинишида олимлар бир тўхтамга келишган. Хаммада бир хил фикр, яъни айланма маблағларни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинмоқда. Аммо қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш ва уларни таснифлаш бўйича олимлар ўртасида бир фикрга келинган эмас. Хатто айрим нуфузли дарсликларда алоҳида айланма маблағлар таҳлили кўрсатилмаган. Фақат унинг

¹³ Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. -Тошкент: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1998.

айрим қисмларигина "Корхона активлари таҳлили" да қисқагина қараб чиқилган. Бундай ёндошув корхона эгасини корхонанинг иқтисодий салоҳияти самарадорлигини назорат қилиш имкониятидан маҳрум қилади. Бу эса бозор муносабатлари шароитида кутилмаган хавф-хатар ва банкротлик вазиятларини туғдириши мумкин. Айрим олимлар айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларни учга бўлиб ўрганишни тавсия қилади. Масалан, "Молиявий таҳлил" китобида айланма маблағларни баҳоловчи кўрсаткичларни унинг ҳолатини, ҳаракатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга бўлади. Аммо ушбу асарда кўрсаткичлар тизимининг аниқ таснифи берилмаган. Унинг устига айланма маблағларнинг ҳаракатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан аралашиб кетган. Шу туфайли бундай ёндашув назарий жиҳатдан чуқур тадқиқотни талаб қилса, амалий жиҳатдан ноаниқликларни туғдиради. Охириги пайтларда чоп қилинган, бевосита корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашга қаратилган китобда ҳам ушбу масала назардан четда қолган. Айланма маблағларга тегишли фақат учта кўрсаткич тавсия қилинган. Табиийки, бундай ёндошиш қўйилган муаммонинг тўлиқ ҳал бўлиши учун етарли эмас.¹⁴ Бизнинг фикримизча, айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам иқтисодий мазмуни жиҳатидан асосий воситаларга ўхшаш. Улар иккаласи ҳам корхонанинг активларини ташкил қилади, иккаласи ҳам моддий ресурслар гуруҳига киради.

Шу жиҳатдан айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- ✓ айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар,
- ✓ айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва
- ✓ айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

¹⁴ Хасанов Н., Нажбитдинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш. -Тошкент: "Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1999, 17-18 бет.

Бироқ номоддий активлар ҳисоби тўғрисида республикамізда миллий стандарт қабул қилинди. Кўплаб корхоналарда улар бухгалтерия балансида ўз аксини топмоқда. Бундай шароитда номоддий активлар нафақат бухгалтерия ҳисоби, балки иқтисодий Таҳлилнинг ҳам объектига айланиши лозим.

Номоддий активларга қуйидагилар киради:

- ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг қиймати;
- бино, иншоот, ускуна ва жихоз каби мулклардан фойдаланиш ҳуқуқининг қиймати;
- ихтиро ва рационализаторлик таклифлари, "ноу-хау" кабилардан фойдаланиш ҳуқуқларининг қиймати;
- товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулкдан фойдаланиш каби ҳуқуқларни берувчи рухсатномалар қиймати.

Буларнинг ҳаммаси бухгалтерия балансининг актив қисмида "Номоддий активлар" моддасида ифодаланади. Улар таҳлил қилиш учун ҳам кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Улар иқтисодий мазмуни бўйича икки гуруҳга бўлинади:

- номоддий активларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ва
- уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

III БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИНИ БОШҚАРИШДА МОЛИЯВИЙ ХИСОБ ВА ХИСОБ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Жорий активлар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш

Жорий активлар ҳисоби ва ҳисоботи қуйидаги манбалар асосида юритилади:

- материаллар ҳисоби ;
- тайёр маҳсулотлар ҳисоби;
- пул маблағлари ҳисоби;
- дебиторлик қарзлар ҳисоби;
- харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар ҳисоби;
- товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари ҳисоби.

Корхонага тегишли хом ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идиш материаллари ва хоказоларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади: 1010 «Хом ашё ва материаллар» 1020 «Харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар» 1030 «Ёқилғи» 1040 «Эҳтиёт қисмлар» 1050 «Қурилиш материаллари» 1060 «Озуқа ва тўшамалар» 1070 «Идиш ва идиш материаллари» 1080 «Қайта ишлаш учун четга берилган материаллар» 1090 «Бошқа материаллар»

Материаллар материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида уларни харид қилиш (тайёрлаш)-нинг ҳақиқий таннархи ёки ҳисоб нархлари бўйича ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақлардан фойдаланилганда товар – моддий бойликлар етказиб бериувчиларининг келиб тушган ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида, у ёки бу бойликлар қаердан келиб тушгани ҳамда материалларни тайёрлаш ва корхонага етказиб бериш хусусиятига боғлиқ ҳолда 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварағи дебети ва 6010-«Мол етказиб бериувчилар ва пудратчиларга тўлашга

доир хисобварақлар», 2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 2310-2320-«Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришлар», 4430«Умумхўжалик эҳтиёжларига берилган бўнақлар» ва хоказо хисобварақлар кредити бўйича ёзувлар қайд этилади. Бунда 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» хисобварағи дебети ва 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир хисобварақлар» хисобварақлари кредити бўйича ёзув, материаллар корхонага қачон –ТМБ етказиб берувчиларининг хисоб –китоб хужжатлари олиншига қадар ёки олинганидан кейин келиб тушганидан қатъи назар қайд этилади. Ҳақиқатда, корхонага келиб тушган материалларни кирим қилиш материалларни хисобга олиш хисобварақлари дебети ва 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» хисобварағи кредити бўйича ёзув билан қайд этилади. 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» хисобварағида аниқланган фарқ 1610-«Материалларни қийматидаги четга чиқиш» хисобварағи дебитига хисобдан чиқарилади. Ой охирида 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» хисобварағи бўйича қолдиқ- ой охирида йўлда қолган ёки мол етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб чиқилмаган материаллар қиймати (ушбу бойликларни омборга кирим қилмасдан) акс эттирилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсули бўлиб тайёр маҳсулотлар хисобланади. Тайёр маҳсулотлар – бу мазкур корхонада қайтадан ишлашни талаб қилмайдиган, стандартлар ва техник шартларига тўлиқ жавоб берадиган, техник назорат бўлими ёки махсус комиссия томонидан қабул қилинган ва корхона омборига топширилган ёки буюртмачи томонидан қабул қилинган буюм ва маҳсулотлардир.

Бозор муносабатлари шароитида асосий эътибор мол юбориш – шартномалари бўйича мол сотишга қаратилади, чунки бу корхона фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, унинг самарадорлигини аниқловчи иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб хисобланади. Корхонанинг хисоб – китоб счётига пул тушган ва тушмаганлигидан қатъи назар барча юкланган ва жўнатилган

маҳсулотлар реализация хажмига қўшилиши мумкин. Шундай қилиб, сотиш жараёни корхона хўжалик маблағларининг доиравий айланишини яқунлайди. Бу ўз навбатида корхонага давлат бюджети, ссудалар бўйича банклар, ишчи ва хизматчилар, мол юборувчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш ва ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш имкониятини беради. Реализация режасини бажармаслик айланма маблағлар айланишини секинлашига, харидорлар олидида шартнома вазифаларини бажармаганлиги учун жарима тўлашга, тўловларни кечикишига, корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келади. Корхона реализация хажми билан бир қаторда фойда суммасини (хажмини) ҳам режалаштиради, чунки, маҳсулотнинг сотиш (шартнома) нархи белгиланганда унинг таркибига маълум суммада ёки фоизда фойда (даромад) суммаси ҳам киритилади. Агар шартнома (режа) бўйича сотишга тегишли маҳсулотлар миқдорини шартнома баҳосига кўпайтурса режа бўйича уларни сотиш қиймати келиб чиқади, фойда фоизига қараб эса режа фойда суммаси ҳисоблаб чиқилади. Бу бюджетга фойдадан бўнак ажратмасини тўлаш учун база бўлиб ҳисобланади. Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг синтетик ҳисоби 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счётида юритилиб, у мавжуд тайёр маҳсулотлар ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счётнинг дебетида омборга тушган маҳсулотлар акс эттирилади.

Сотиш учун товарлар сифатида харид қилинган товар – моддий бойликлар ва ижара буюмларининг мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади: 2910 «Омборлардаги товарлар» 2920 «Чакана савдодаги товарлар» 2930 «Кўргазмадаги товарлар» 2940 «Ижара буюмлари» 2950 «Товар солинган ва бўш идишлар» 2990 «Бошқа товарлар» Ушбу ҳисобварақлардан асосан умумий овқатланиш корхоналари ва савдо воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар фойдаланади. Саноат ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари бирор бир буюмлар, материаллар,

маҳсулотлар сотиш учун махсус харид қилинган ҳолларда ёки саноат корхоналарида бутлаш учун харид қилинган тайёр буюмлар қиймати ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига киритилмайдиган, хариддорлар томонидан алоҳида қопланиши керак бўлган тақдирда қўлланилади.

3.2. Хусусий капитал шаклланиши ва унинг ҳисобини такомиллаштириш

Хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва акциядорлаштириш жараёнлари бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган ва турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектларни салоҳиятини уларни хусусий капитал кўрсаткичи характерлайди. Хусусий капиталга етарли даражада эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъект, фаолиятини узлуксиз ривожлантира олмайди ва бозорда вужудга келадиган рақобатга бардош бериш қобилияти суст бўлади. Шунинг учун ҳам хусусий капиталга эга бўлиш, уни доимий тарзда кўпайтириб бориш бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектни, шу жумладан акционерлик жамиятларини ривожланишига кафиллик берувчи муҳим элемент бўлиб ҳисобланади. «Хусусий капитал» ёки «капитал» тушунчаси иқтисодий тоифалар таркибига кириб, унинг мазмунини маблағ қўйиш, жойлаштириш ташкил этади. У даромад келтирувчи манбадир. Бозор муносабатлари бу атамага янгича ёндошишни талаб қилмоқда. Бу эса корхоналарни, шу жумладан акциядорлик жамиятларини, ривожланишининг муҳим гарови ва воситаси бўлган хусусий капитал тушунчасининг моҳиятига тўхталишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикасида жумладан «Ўзгеонефтвазқазибчиқариш» акционерлик компаниясида ҳам хусусий капиталнинг шаклланиши қандай хусусиятларга эга, деган саволга илмий нуқтаи-назардан жавоб беришни тақозо қилади. Акциядорлик жамиятларида ҳам бошқа мулк шаклидаги корхоналар сингари бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлиб, молиявий хўжалик фаолиятини шакллантирувчи активлар ва мажбуриятлар

хисобланади. Лекин шу билан биргаликда акциядорлик жамиятларида шу мулк шаклининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган ва бухгалтерия хисобида инобатга олиш шарт бўлган объектлар ҳам мавжуд. Бухгалтерия хисобининг шундай объектларидан бири акциядорлик жамиятларида мулкни тасарруф этиш, бошқариш ва унга эгалик қилиш усули ёрдамида либерал иқтисодий-ижтимоий фаолият кўрсатишдир. Бухгалтерия хисобида бу жараён ўзига хос хусусиятларга эга. Буларга акция чиқариш ва унинг муомаласи билан боғлиқ операциялар, хусусий (устав) капитали, қимматли қоғозлар, даромад (фойда), дивиденд тўловлари, махсус шаклландиган фондлар ва фойданинг тақсимооти каби жараёнлар киради. Бу жараёнларнинг барчаси акциядорлик жамиятларида бухгалтерия хисобининг ўзига хос бўлган хисоб объектлардир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамиятларида санаб ўтилган объектларнинг бухгалтерия хисоби юзасидан Ўзбекистонда анча адабиётлар чоп этилган. Аммо акциядорлик жамиятларида хусусий капиталнинг ташкил қилиниши, қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган жараёнлар ҳамон етарлича ўрганилмаган ва у иқтисодий адабиётларда тўлиқ ёритилмаган. Шу туфайли биз ушбу илмий ишда алоҳида эътиборни масаланинг ушбу жihatларини тадқиқ қилишга қаратдик ва хусусий капитал (устав капитал) хисоби билан боғлиқ бир қанча муаммоларни кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик, чунки акциядорлик жамиятлари самарадорлигининг иқтисодий асоси ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек бевосита ушбу объектларга боғлиқдир. Ушбу объектларни тадқиқ қилишда бухгалтерия хисобининг муҳим фундаментал тамойилларидан бири бўлган икки ёқлама ёзув тамойилига асосландик.

Бунинг замирида қуйидаги тенглик ётади:

$$\text{АКТИВ} = \text{ХУСУСИЙ КАПИТАЛ} + \text{МАЖБУРИЯТЛАР}$$

Бу тенгликдан кўриниб турибдики, хусусий капитал хар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мулкый ва молиявий ҳолатини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январидagi 5 сонли

буйруғи билан тасдиқланган молиявий хисоботнинг 5 шаклда хусусий капиталнинг тузилмаси қуйидагилардан иборатдир деб кўрсатилган: устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, хусусий капитал билан қопланмаган зарар.

Хусусий капитал деганда хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган мулкнинг қиймати тушинилади. Бу капитал жами капитал билан қарзга олинган капиталнинг ўртасидаги фарқ сифатида аниқланиши мумкин, яъни $K_x = K_{ж} - K_{қ}$. Бунда, K_x -хусусий капитал, $K_{ж}$ -жами капитал, $K_{қ}$ -қарзга олинган капитал.

Хусусий капитални бухгалтерия хисобида акс эттириш учун уларни бирқанча белгилари бўйича таснифлашни тақозо қилади. Аксарият олимлар хусусий капитални таснифлаш белгилари сифатида уларнинг турларини, хизмат муддатларини, ташкил этиш манбаларини олиш зарур деб хисоблайдилар. Биз ҳам бу фикрларга қўшилган ҳолда, уларни таснифлашда моддийлик белгисини, тўрган жойи, фаолиятда иштирок этиш даражасини ҳам эътироф этишни мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз. Бундан ташқари, таснифлаш белгиларини иерархиясини тўғри асослаш ҳам уни ўрганишда муҳим омилдир. Чунки бу тизимни аниқ белгилаш хусусий капитал элементларини босқичма-босқич биринчи, иккинчи ва учинчи даражали счётларда акс эттириш, улар тўғрисидаги маълумотларни умумийликка қараб йиғиш, жамлаш, тўплашнинг яхлит тизимини яратишга имкон беради. Бу эса назарий ва методологик жihatдан ката ахамият касб этади.

Хусусий капитални таснивланишнинг иерархик тизими тизими, бизнингча, қуйидаги кетма-кетликдан ташкил топиши лозим. Ушбу шаклдан кўришиб турибдики, хусусий капитални таснифлашнинг юқори бўғинида унинг моддийлик белгиси туради. Ушбу белгисига кўра, акциядорлик жамиятларининг барча хусусий капиталини икки гуруҳга, яъни моддий хусусий капитал ва номоддий хусусий капиталга ажратиш мумкин. Моддий хусусий капитал деганда, акциядорлик жамиятларининг моддий бўлган барча активлари

тушинилади. Акциядорлик жамиятларининг барча моддий хусусий капитали барча активларнинг бир қисми сифатида бухгалтерия балансининг «**АКТИВ**» қисмида жойлашади. Номоддий хусусий капитал ўз ифодасини номоддий активларда топади. Бу ҳам бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашади. Хизмат муддати белгиси бўйича хусусий капитал акциядорлик жамиятларига канча муддатда иқтисодий самара бериши, яъни фойда келтириш билан таснифланади. Ушбу белги бўйича барча хусусий капитални узоқ муддатли ва қисқа муддатли хусусий капиталга ажратиш мумкин. Хизмат муддати белгиси сифатида бухгалтерия ҳисобида, одатда бир йиллик муддат қабул қилинган. Ушбу муддатга кўра бир йилдан кўп хизмат қиладиган хусусий капитал узоқ муддатли, 1 йилгача амал қиладиган хусусий капитал эса қисқа муддатли хусусий капитал ҳисобланади. Узоқ муддатли хусусий капиталга асосий воситалар, номоддий активлар (патент, лицензия, турли ҳуқуқлар, янги ғоялар ва бошқалар), ва бир йилдан кам бўлмаган муддатга қўйилган қўйилмалар киради. Қисқа муддатли хусусий капитални адабиётларда (шу жумладан, 1997 йил 1 январдан қўлланилиб келинаётган бухгалтерия балансида) «айланма активлар» деб ҳам атайдилар. Уларга ишлаб чиқариш захиралари, товар моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқалар киради. Фаолиятда иштирок этиш даражасига кўра барча хусусий капиталлар фаол ва фаол бўлмаган хусиятларга эга бўлиши мумкин. Одатда, айланма маблағлар, асосий воситаларнинг фаол қисми (машина ва механизмлар) корхона фаолиятида фаол иштирок этади ва кўпроқ фойда келтиради. Ҳисоб-китоблар бўйича бошқа мижозларда бўлган хусусий капитал, яъни дебиторлик қарзлар корхона фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Турган жойига кўра хусусий капитал эксплуатациядаги, яъни фойдаланишдаги ва захирадаги (консервация қилинган) хусусий капиталга бўлинади. Фойдаланишдаги капитал бу акциядорлик жамиятларининг молиявий - хўжалик фаолиятини юритишда қатнашаётган капиталдир. Захирадаги капитал эса вақтинчалик қурилиши тугатилмаган бинолар, цехлар, ишлаб чиқаришга

мўлжалланиб сотиб олинган лекин, маблағ етишмаслиги сабабли вақтинча омборда туриб қолган ускуна ва жихозлардан иборатдир.

Иқтисодий адабиётларда, корхонанинг устав капитали деганда мазмун жихатидан бир-биридан фарқ қилмайдиган фикрлар берилади. Биз ҳам уларга кўшилган холда устав капитали деганда корхонага у ташкил этилган вақтда таъсисчилар томонидан ажратилган моддий ва молиявий маблағларнинг пулдаги ифодасини тушунамиз. Фақатгина корхоналарнинг мулкӣ шаклига, ташкилий тузилмаларига кўра уларнинг устав капитали турлича шаклланиши, ўзгача жамланиши, қолаверса доимий ёки ўзгарувчан характерга эга бўлиши мумкин.

Фаолиятда иштирок этиш даражаси бўйича:

- Турган жойи бўйича;
- Тури ёки кўриниш бўйича;
- Ташкил топиш манбаси бўйича;
- Хизмат муддати бўйича;
- Моддийлиги бўйича.

Давлат корхоналари устав капиталини хисобот йили давомида ўзгартириб боришлари мумкин. Давлат ташкилотлари учун устав капиталининг миқдорини қатъий белгилаш ҳам қонун йўли билан кўрсатилмаган, шунинг учун ҳам айрим адабиётларда давлат корхона ва ташкилотларининг устав капитали бошқача ном билан «Асосий фонд», «Ажралмас фонд», деб ҳам аталади. Кичик, шахсий, кўшма корхоналарда ва акциядорлик жамиятларида устав капитали асосан таъсисчилар томонидан қўйилган маблағлар эвазига шаклланади.

Бундай корхоналар устав капиталини шакллантириш бўйича уставга амал қилишлари, унда кўрсатилган муддатларда таъсис бадалларини устав капитали сифатида корхона оборотига қўйишлари лозим. Устав капиталини ўзгартириш бундай корхоналарда фақатгина маҳаллий хоқимиятлардан рўйхатдан ўтгандан сўнггина мумкин бўлади. Кўшма корхоналарда устав капиталини

шакллантиришда чет эл инвесторлари хиссасига нисбатан ҳам қонунларда алоҳида хусусиятлар белгиланган.

Акциядорлик жамиятларида устав капиталини шакллантириш бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналардагига қарганда бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, акциядорлик жамиятлари устав капитали акциядорлар маблағларидан ташкил топади.

Иккинчидан, акциядорлик жамиятларининг устав капитали чиқарилган акциялар сонига ва ҳар бир акциянинг номинал қийматига қараб шаклланади.

Учинчидан, акциядорлик жамиятларининг устав капитали хусусийлаштириш натижасида шаклланади. Бунда акциядорлик жамиятлари давлат ва бошқа корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантириш йўли билан вужудга келади. Хусусийлаштириш йўли билан ташкил этилган акциядорлик жамиятининг устав капитали баланс активининг ҳар бир бўлими бўйича ҳисобга олинган мулкнинг баҳоланган қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Акциядорлик жамиятларда устав капиталини босқичма-босқич шаклланиши натижасида уни алоҳида бир-биридан фарқ қиладиган турларга ажратадилар.

Акциядорлик жамиятлари устав капиталини шакллантиришнинг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларида қуйидагича ифодаланади:

1. Акциядорлик жамиятининг устав капитали миқдори ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти учун энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида, очик турдаги акциядорлик жамияти учун эса 500 баробар миқдорида бўлиши кўзда тутилган. Бу олдинлари мос равишда 50 ва 200 энг кам иш ҳақи миқдорини ташкил қилар эди.

2. Илгари чиқарилган акциялар учун номинал қийматдан кам бўлмаган ҳақ тўлалигича тўланган бўлса акциядорлик жамияти низом жамғармасини кўпайтиришга ҳақлидир.

3. Низом жамғармасини камайтириш акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг бир қисмини бекор қилиш мақсадида эгаларидан сотиб олиб акциялар миқдорини камайтириш йўли билан амалга оширилади. Фонд бозори қатнашчиларининг низом жамғармасини шакллантириш жараёни бухгалтерия ҳисоби асосий тамойиллари бир хилдир. Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари шаклидаги ҳар бир ҳўжалик субъекти, ўзининг устав капиталини акция чиқариш ва уни жойлаштириш (сотиш) орқали шакллантиради. Акция эгалари акциядорлик жамиятини бошқаришда, фойдани тақсимлашда ҳамда унинг тугатилишида мулкнинг қолдиғини тақсимлашда қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Шу боисдан акцияни муҳим ҳуқуқий ҳужжат дейиш мумкин. Худди шунингдек акция акциядорлик жамиятининг низом жамғармасини ҳам шакллантиришнинг асоси ҳисобланади. Чунки акциядорлик жамиятининг шаклланишида қонуний тусга киритиш учун унинг таъсисчилари номидан янги жамиятнинг акциялари чиқарилади. Акциядор жамиятида устав капитални 8510 «Устав капитал» счётида ҳисобга олиб борилади. Бу счётнинг аналитик счёти ҳар бир таъсисчи (акция эгаси) бўйича юритилади. Акциядорларнинг устав капиталига нима кўшганлигига қараб: -асосий воситалар; пул маблағлари; бошқа тегишли счётлар дебетланиб, 8510 «Устав капитал» счёти кредитланади. Бу операциялар бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади. Акциядорлик жамиятларининг акцияларини жойлаштириш уларнинг номинал баҳоси ёки ундан юқори баҳода амалга оширилиши мумкин. Агарда акциялар номинал баҳодан юқори жойлаштирилса, улар ўртасидаги фарқ (эмиссия даромади) кўшилган капитал ҳисобланиб, 8520 счётнинг «Кўшилган капитал» субсчётида ҳисобга олиб борилади.

Акциядор жамиятида акцияларни сотиш ёки сотиб олиш операциялари бухгалтерия хисобида қуйидагича акс эттирилади:

□ агарда акцияларни сотиб олиш баҳоси уларнинг номинал қийматига тенг бўлса, дебет 8510 «Устав капитали» субсчёт «Тўланган устав капитали», кредит 50 «Касса» ёки 5110 «Хисоб-китоб» счётлари ёзуви бўлади;

□ акциядор жамиятининг акцияларини сотиб олиш баҳоси номинал қийматидан юқори бўлса уларнинг номинал қийматига дебет 8510 «Устав капитали» субсчёт «Тўланган устав капитали» сотиб олиш ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ суммасига, дебет 9590 «Молиявий фаолиятдан кўрилган фойдалар», кредит 5010 «Касса» ёки 5110 «Хисоб-китоб» счётлари билан бухгалтерия ёзуви тузилади;

□ агарда сотиш, олиш баҳоси акциянинг номинал қийматидан паст бўлса дебет 8510 «Устав капитали» ва кредит 50 «Касса» ёки 5110 «Хисоб-китоб» ҳамда 9590 «Молиявий фаолиятдан кўрилган фойдалар», счётларига бухгалтерия ёзувлари тузилади. Акция бланкалари балансдан ташқари 006 «Акциядорлик жамиятининг акциялари» номли счётда номинал қийматида хисобга олиб борилса уларнинг харакати ва сотилганда келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг назоратини таъминлаш имкони бўлади деб хисоблаймиз.

Устав капиталининг ўзгариши бухгалтерия хисобида қуйидагича акс эттирилади:

□ агарда акциядорлик жамиятининг умумий йиғилишида уларга тегишли акциялар номинал қийматини камайтириш билан устав капиталининг миқдорини камайтиришга қарор қилинган бўлса, бухгалтерия хисобида устав капиталининг тегишли суммага камайиши дебет 8510 «Устав капитали», кредит 9690 «Молиявий фаолиятдан кўрилган сарфлар» бухгалтерия ёзуви билан амалга оширилади;

□ агарда акциядорлик жамияти ўз устав капитали миқдорини кўпайтирса акцияларнинг номинал миқдори акциядорлар ва таъсисчиларнинг қўшимча

бадали хисобига кўпайиши мумкин. Бунда дебет 4710 «Таъсисчилар билан хисоб-китоблар», кредит 8510 «Устав капитали» бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади;

□ агарда акциялар номинал қиймати акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини йўналтириш йўли билан кўпайтирилган бўлса, унда дебет 8710 «Тақсимланмаган фойда» ва кредит 8510 «Устав капитали» счётлари орқали бухгалтерия ёзуви амалга оширилади. Акциядорлик жамияти қатнашчиларининг акциялари сотиб олиши, бу акциялардан дивидендлар олиши билан боғлиқ (устав фаолияти бўйича фойда олинмайдиган, демак дивидент хисобланмайдиган, фойдали ишламайдиган ташкилотлар устав капиталига қўйилган маблағлар бундан мустаснодир) бўлган бухгалтерия операциялари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Акциядорлик жамияти аъзоларига (қатнашчиларига) уларнинг акциялари миқдорига паралел равишда хар хўжалик йили соф фойдасидан ажратилади. Акциядорлар йиғилишида соф фойдани тақсимлаш, фойдани ишлатиш бўйича йўналишлар тартиби белгиланади. Агарда соф фойда акциядорларга дивиденд тўлашга етарли бўлмаса, акциядорлар йиғилиши дивидендларни бошқа манбалардан, захира(резерв) фонди хисобидан тўлашга қарор қилишлари ҳам мумкин. Хозир амалиётда, кўпгина акциядорлик жамиятлари, биринчи навбатда инвестиция жамғармалари ва фойданинг етарли ёки умуман бўлмаслиги сабабли хўжалик йили якуни бўйича ваъда қилинган дивиденд суммасини тўлай олмайди. Бу ҳолат асосан акциядорлик жамиятларининг жамғармалари, молиявий ҳолатини чуқур Таҳлил қилмасдан уларнинг акцияларига молиявий қўйилмалар қилинганидан, оқибатда кутилган натижа (қайтим) бермаётганлигидан далолат бериб турибди. Лекин бизнинг назаримизча хар бир акция учун тўланиши зарур бўлган дивидендлар тўланиши шарт бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун акциядорлик жамиятларининг маблағларига юқори ликвид (даромад келтирувчи) бўладиган активларни сотиб олиш зарур. Акциядорлик

жамиятининг бизнес режасисиз, молиявий прогнозларсиз ва узоқни кўра билмаслик қабилида иш тутиши у яқин келажакда нимага эришиши мумкинлигини тушуниш қийин эмас. Шу ўринда дивиденд тўловлари билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар тўғрисида тўхталмоқчимиз. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, икки юз йилдан зиёд тарихий тараққиётга эга бўлган мамлакатларда ҳам акциядорлик жамиятлари шу бугунги кунда акциядорларга қанча миқдорда, қайси манбалардан ва қайси кўринишда дивиденд тўлаш кераклигига, аниқ жавоб бера олмаслиги мумкин. Чунки бу муаммо нафақат амалиётда, балки назарий жихатдан ҳам ўз ечимини тўлиқ топганича йўқ. Масалан, бир гуруҳ олимлар акциядорлик жамиятлари ҳамма вақт ўз акциядорларига дивиденд тўловларини амалга ошириб боришлари шарт деб асосласалар, иккинчи гуруҳ олимлар вакиллари дивиденд тўловларида доимийлик бўлиши унча шарт эмас деб таъкидлайдилар. Бундай назария вакилларининг дивиденд тўловлари бўйича батафсил таклиф ва мулохазалари айрим Ўзбекистонлик олимларимиз асарларида ҳам атрофлича ёритилган. Шунинг учун бу назарияларнинг моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтирмадик. Лекин шуни таъкидлаш жоизки мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари ўтиш даврида вужудга келди, шаклланимда ва фаолият кўрсатмоқда. Демочимизки, бу шароит жаҳон амалиётида қўлланилиб келатган «Акциядорлик жамиятларининг дивиденд тўловлари назариясига» тўлиқ жавоб бера олмайди. Фикримизча бунинг қуйидагича сабаблари мавжуд:

□ ўтиш даври, яъни бозор муносабатлари шаклланаётган шароитнинг ўзига хос инжиқликлари, яъни янги мулк шаклларининг вужудга келиши, айрим соҳаларнинг иқтисодий инқирози, давом этаётган инфляция жараёни;

□ ортиқча пул маблағларини акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиб олишга сарфлаш, сўнгра ундан дивиденд олиб туриш, пулни ишлатишнинг бошқа йўналишларидан кўра самаралироқ эканлигининг исботини хали ҳеч ким

кўрмаганлиги. Шунинг учун дивиденд тўловлари бўйича дастлабки фикримизни биров кенгайтирмоқчимиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларида дивиденд тўлови сиёсати бўйича қуйидаги шакллар ўз ўринини сақлаб қолиши лозим:

дивидендларни фақат сотилган акциялар учун тўланишини амалга ошириш лозимлиги;

акция сотиб олиш мақсадида тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга имтиёзли ссудалар беришни жорий этиш лозимлиги;

устав капиталини шакллантириш вақтида корхона балансида мавжуд бўлган ва қолдиқ қийматига эга бўлмаган воситаларни қайта тиклаш ва уни қайта баҳолаш ҳолатини бекор қилиш лозимлиги;

акциядорлик жамиятларида бир йил якуни бўйича 13-ойлик иш ҳақини ҳисоблаш ва уни тўлашни амалга оширмаслик лозим, чунки бу маблағ акциядолар ўртасида дивиденд тариқасида тақсимланмоғи лозим.

Бу эса ўз навбатида жорий йилдаги харажатлар массасига ҳам ижобий таъсир этишлиги;

мумкин қадар дивиденд миқдори олдиндан эълон қилиниши ва у хўжалик фаолияти натижасидан қатъий назар тўланилиши кафолатланмоғи лозимлиги;

барча акциядорлик жамиятларида дивиденд тўловлари амалга оширилишини таъминлаш мақсадга мувофиқлиги ;

дивиденд миқдори инфляция суръатидан юқори бўлишга эришиш (бунинг учун акциядорлик жамиятлари соф фойдаси суммаси етмаса бошқа манбаларни излаб топиш) лозимлиги;

имкони борича дивиденд тўловларини тез-тез амалга ошириш (кварталлик, ярим йиллик, тўққиз ойлик) лозимлиги;

□ акциядорларнинг хошибини инобатга олиб, лозим топилса дивидендни моддий ва номоддий активлар кўринишида тўлаш мумкинлиги;

3.3. Мажбуриятлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўналишлари

Мажбуриятлар – бу ҳисобот ёки олдинги даврларда вужудга келган кредиторлик ёки бошқа қарзлар бўлиб, уларнинг қопланиши (тартибга солиниши) иқтисодий нафнинг камайишига, яъни мавжуд активларнинг камайишига олиб келади. Мажбурият корхонанинг турли битимларни бажариши натижасида вужудга келади ва товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар юзасидан келгусидаги тўловлар учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. 1-сонли БХМА «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»га биноан мажбуриятларни баҳолашнинг асоси бўлиб, сотиб олинган активлар, хизмат ва ишларнинг таннари ёки қиймати ҳисобланади. Мажбуриятлар қисқа (жорий) ва узок муддатли бўлиши мумкин.

Жорий мажбуриятлар –бу кредитор талабига кўра бир йил ичида тўланадиган мажбуриятлардир. Узок муддатли мажбуриятларга тўлов муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятлар киради. Амалдаги қонунчиликка асосан, вужудга келган хорижий валютадаги мажбуриятлар ушбу бўлим счётида сўмда ҳисобга олиниб, ҳисоблашиш-пул ҳужжатлари ёки шартномада келишилган ҳужжатларда кўрсатилган муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўрнатган хорижий валюта курслари бўйича қайта ҳисоблаш орқали аниқланади. Шу билан бирга ушбу ҳисоблашишлар ҳисоб-китоб ва тўлов валюталарида акс эттирилади. Хорижий валюталар билан муомалалар юзасидан қарзларни қоплаш даврида вужудга келган курс фарқлари 9540-«Курс фарқларидан олинган даромадлар» (ижобий) ёки 9630-«Курс фарқларидан зарарлар (салбий)» счётида акс эттирилади. Ушбу бўлимда ҳисобга олишнинг қуйидаги ҳисобварақларида ҳисоб тартиби тўғрисидаги ахборот келтирилади:

6000-Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир хисобварақларни хисобга олиш хисобварақлари 6100-Бўлинмаларга тўлашга доир хисобварақларни хисобга олиш хисобварақлари 6200-Муддати ўтган мажбуриятларнинг жорий қисмини хисобга олиш хисобварақлари 6300-Олинган жорий бўнақларни хисобга олиш хисобварақлари 6400-Бюджетга тўловлар бўйича қарзни хисобга олиш хисобварақлари (солиқ турлари бўйича) 6500-Суғурталаш ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзни хисобга олиш хисобварақлари 6600-Муассисларга қарзни хисобга олиш хисобварақлари 6700-Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан хисоб-китобларни хисобга олиш хисобварақлари 6800-Турли кредиторларга қарзни ва бошқа хисоблаб ёзилган мажбуриятларни хисобга олиш хисобварақлари 6900-Қисқа муддатли банк кредитлари ва банкдан ташқари заёмларни хисобга олиш хисобварақлари.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга:

- корхонага тақдим этилган активлар, хизматлар ёки бажарилган ишлар;
- уларга доир хисоб-китоблар режадаги тўловлар тартибида амалга ошириладиган товар-моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар;
- улар қабул қилиш вақтида аниқланган ортиқча товар-моддий бойликлар;
- ташишлар бўйича олинган хизматлар, шу жумладан тариф кам ёки ортиқча олинганга доир хисоб-китоблар, шунингдек алоқа хизматларининг барча турлари учун мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги хисобварақларда акс эттирилади:

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир хисобварақлар» 6020 «Берилган векселлар» Пудрат қурилиш ва монтаж, илмий - тадқиқот ва бошқа шу сингари ташкилотлар, агар улар бош пудратчи (бош ташкилот) хисоблансалар, ёрдамчи пудратчига нисбатан мажбуриятларини ҳам ана шу хисобварақларда акс эттирадilar. Харид қилинган моддий бойликлар ёки истеъмол қилинган хизматлар ва бажарилган ишлар учун мажбуриятларнинг

пайдо бўлиши билан боғлиқ барча операциялар ҳисобварақлари бўйича, тақдим этилган ҳисобварақни тўлаш вақтидан қатъи назар, ўтказилади. 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи корхонанинг олинган ТМБ, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа активлар учун турли мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга жорий қарзини акс эттиради. 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи ҳақиқатда келиб тушган ТМБ, қабул қилинган ишлар ва истеъмол қилинган хизматлар қийматига ушбу бойликни ёки тегишли харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда кредитланади. 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи бўйича амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, хозирги бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисоб ахборотларидан фойдаланувчилар тўлиқ, ишончли молиявий маълумотлар билан ўз вақтида таъминланиши керак. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, молиявий ҳисоб фойдаланувчилари, корхонанинг келгусида қандай истиқболларга эгалиги, ўз молиявий ресурсларини унга сарфлашга арзиши ҳамда корхонанинг кредиторлари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қила олиши, инвестор қўйган маблағлар бўйича фоиз ёки дивидендларни тўлаш имкониятига эгалигини аниқлашга ҳаракат қиладилар. «Ўзбекистонга инвестор ва кредиторларни кириб келиши учун биз аввало уларга шароитларни яратиб беришимиз ҳамда улар қизиққан республикамиздаги корхона ва ташкилотларни ҳисобот маълумотлари билан таъминлашимиз даркор бўлади».¹⁵

1. Юқорида кўрсатилиб ўтилган фикрларни назарий жиҳатдан ўрганиш ва корхона амалий материалларини таҳлил қилиш натижалари ҳамда уларни мужассамлаштирган ҳолда биз Битирув малакавий ишимиз якунида корхоналарни бошқаришда молиявий ҳисоб ва ҳисоб юритишни такомиллаштириш борасида қуйидагича асосий фикр ва мулоҳазаларни баён этишга ҳаракат қилдик. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисобот муаммолари кўрсатилиб ўтилган. Бунда асосан молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро тизими, бозор муносабатлари шароитида молиявий ҳисоботнинг айрим муаммолари масалалари кўриб чиқилди. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро тизими бўйича ўтказилган изланишларимиз шундан иборат бўлдики, бунда асосан биз молиявий ҳисобот тизимининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилувчи ва уни белгилаб берувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлигини

¹⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк сари. –Т.: «Ўзбекистон», 1995, 92–бет

назарий ва илмий жихатдан асослаб бердик. Бухгалтерия хисобида жамиятдаги барча ўзгаришлар акс этган ҳамда бу ўзгаришлар амалга бухгалтерия хисоби орқали оширилади, деган фикр билан ёндашилиб, Ўзбекистонда бухгалтерия хисобининг ривожланиш тарихига тавсиф берилди ва шу орқалигина hozirги кунда таркиб топган молиявий хисобот тизимига таъсир этган омилларни асослаб берилди. Биз бу масала бўйича иқтисодий ривожланиш босқичларини даврлар бўйича ажратиб чиқдик. Иқтисодий ривожланиш босқичларида асосан Ўзбекистон Республикасининг Собик Иттифокдан ажралиб чиқиши ва Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши ҳамда Республикамизда бухгалтерия хисоби бўйича бир қанча ривожланишга туртки бўладиган омиллар кўрсатилиб ўтилган. Молиявий хисоб ва хисоботнинг халқаро тизимида hozirги даврда молиявий хисоботлар халқаро андозаларидан фойдаланишнинг бир неча усуллари мавжудлиги ҳақида фикр билдирилди.

Молиявий хисобда халқаро андозаларининг объектив равишдаги афзаллик томонлари кўрсатиб ўтишни лозим деб топдик:

- ❖ иқтисодий мантик аниқлиги;
- ❖ хисобга олиш соҳасида замонавий жаҳон амалиётида тўпланган энг қимматли тажрибалар умумлаштирилиши ҳамда дунёнинг барча мамлакатларидаги молиявий ахборотдан фойдаланувчилар ушбу ахборотни осонлик билан тушуниши билан кўрсатиб ўтилган.

Бозор муносабатлари шароитида молиявий хисоботнинг айрим муаммолари бўйича кўтарилган масалада бир қанча муаммоларни кўрсатиб ўтишни лозим деб топдик. Бу муаммолар асосан молиявий хисоб ва хисобот тизимининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Кўрсатиб ўтилган муаммолар ҳақиқатан энг долзарб эканлигини инкор этмаган ҳолда, молиявий хисоб ва хисобот муаммолари бундан ҳам кенгрок эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш ва молиявий хисоб сиёсатининг ҳуқуқий асослари бўйича масалани ёритишда фаолиятнинг турли

кўринишлари бўйича янгиликлар киритиш тезлиги бухгалтерия хисобининг миллий андозалари ишлаб чиқилмаган муомалалар ва ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Бундай ҳолда молиявий хисоботнинг ҳолислигига хўжалик юритувчи субъект томонидан миллий андоза асосида мустақил ишлаб чиқилмаган хисоб юритиш сиёсатини танлаш ва қўллаш орқали эршилади.

Бунда, хисоб юритиш усуллариغا нисбатан ҳар бир мустақил қарор субъектнинг **хисоб юритиш сиёсатида очиб берилиши** лозим бўлади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия хисобини марказдан тартибга солиш, унинг асосий қоидаларини ва тамойилларини ишлаб чиқиш, ҳар бир хўжалик субъекти ўзининг бошқарув ва ташкилий-технологик хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни аниқлаштириши зарур бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия хисобининг давлат томонидан марказлаштирилган ҳолда тартибга солинишининг асосий мақсади бозордаги барча иштирокчиларнинг манфаатлари бирдай ҳимоя қилиш ва кафолатлаш, шунингдек, хисоб ва аудит соҳасида фаолият кўрсатаётган профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш хисобланади. Бухгалтерия хисобини тартибга солиш инвесторлар, кредиторлар, мол етказиб берувчилар ва бошқа бухгалтерия хисоби маълумотларидан фойдаланувчилар учун ҳам худди юқоридагидек аҳамият касб этади. Республикамизда хисоб тизимини ислох этишдаги олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда айтиш мумкинки бугунги кунда миллий хисобчиликни ҳуқуқий базаси тўла таъминланди. Ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Жаҳон стандартлари асосида бухгалтерия хисоби ва аудитни услубий муаммолари ҳал этилмоқда. Хисоб тизимида иккита ташкилий шаклни юзага чиқиши яъни бошқарув ва молиявий хисобни йўлга қўйиш, бошқарув ва молиявий таҳлилни фарқлаш, илмий асослаш, тадқиқ этиш тадқиқот мақсади қилиб олинган эди.

Шу мақсаддан келиб чиқиб илмий иш мазмуни белгиланди ва қуйидаги таклифлар берилди.

1. Молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобини ташкил этишининг зарурийлиги ва аҳамияти илмий жиҳатдан тавсифланди. Ҳисобни иккита шаклда юритишни услубий асослари ва мазмуни очиб берилди.

2. Молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобини объекти муаммоси ҳал этилди. Корхонанинг молиявий ҳисоб объекти сифатида активлар ва пассивлар, даромад ва харажатлар, молиявий, иқтисодий кўрсаткичлари ошкор этиладиган умумлашган маълумотлари олинди ва таҳлил қилинди. Бошқарув ҳисоби объекти сифати ишлаб чиқариш ёки ички хўжалик ҳисобини элементлари, режалаштириш, таҳлил этиш маркетинг ва ички назорат объектларини элементлари олинди.

3. Бошқарув ва молиявий ҳисобни мавзулари таркибланди, шундан:

Бошқарув ҳисобида ўрганиладиган мавзуларга қуйидагилар:

-ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини ҳисоби;

-Меҳнат предметлари ва улардан фойдаланишни ҳисоби;

-маҳсулот чиқиши ва сотилишини ҳисоби;

-Меҳнат ресурслари ва меҳнат ҳақини ҳисоби;

-Даврий харажатлар ҳисоби;

-молиявий ва фавқулотда харажатлар ҳисоби;

Даромадларни тезкор ҳисоби ва ҳисоботи;

-Бошқарув ҳисобини бошқа мавзулари.

4.Молиявий ҳисобда ўрганиладиган мавзуларни тавсия этилган рўйхати:

-корхона мулки, капитали ва манбалари ҳисоби;

-корхона даромадлари, харажатлари ва фойда зарарлари ҳисоби;

-асосий воситалар ва улардан фойдаланишни ҳисоби;

-пул маблағлари ва улар ҳаракатини ҳисоби;

-Хусусий маблағлар ва улар ҳаракатини ҳисоби

-корхона сарфлари ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби;

5. Корхона ҳисоб сиёсатининг таърифи ва таснифи берилди унинг муҳим элементлари белгиланди. Ҳисоб сиёсати юриштишнинг ҳуқуқий ва услубий асослари тармоқ тизимида корхоналари учун тузиб чиқилди.

6. Корхонада молиявий ҳисоб ва таҳлилни йўлга қўйишнинг айрим методологик муаммолари ҳал этилди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин: - корхонада молиявий ҳисобни йўлга қўйиш шакллари тузиб чиқилди; -молиявий таҳлил элементлари белгиланди; -молиявий ҳисоб ва таҳлилни муҳим тамойиллари тавсифланди ва х.к.

7. Молиявий таҳлилда бир қатор янги кўрсаткичларни ўрганиш зарурлиги илмий асосланди.

Бу кўрсаткичлар қуйидагилар:

-корхона иқтисодий салоҳияти;

-корхона молиявий салоҳияти;

-корхона меҳнат салоҳияти

8. Корхона иқтисодий салоҳияти қуйидагилардан ташкил топади:

-корхона асосий воситаларини қиймати

-корхона номатериал активлари қиймати;

-корхона жорий активлари қиймати;

-корхона меҳнат ресурлари қиймати

9. Корхона иқтисодий салоҳиятини таҳлили қуйидаги кўрсаткичларни ўрганиш асосида олиб борилади;

-корхона иқтисодий салоҳияти таркиби, тузилиши ва динамикаси таҳлили;

-иқтисодий салоҳият самарадорлиги таҳлили;

-иқтисодий салоҳият фойдалилиги таҳлили -иқтисодий салоҳият рентабеллиги таҳлили.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, президент фармонлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: 1996.
3. «Маҳсулотлар (иш, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулотлар (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисидаги Низом. Т., 1999.
4. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари тўпламлари. 2005-2008.

Президент асарлари

5. Каримов И.А., Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон. 2009.
6. Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» маърузалари. 2010. 56 б.
7. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. –Т.: «ЎЗБЕКИСТОН». 2016, 59 б.
8. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза 2017 йил 14 январь. –Т.: «ЎЗБЕКИСТОН». 2016, 107 б.
9. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. –Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари. 2017 йил, 6-сон.

Адабиётлар

9. Бакиева Х., Ризаев Н. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2007, 324 б.
10. Булатов М.А. Теория бухгалтерского учета. Учебное пособие. –М.: 2005, 3-е изд., 256 стр.
9. Дўсмуратов Р.Д. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Янгийўл Полиграф Сервис, 2007, 352 б.
10. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.- Т.: Шарқ, 2004, 592 б.
11. Останақулов М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2007.
12. Бобожонов О.У. Молиявий ҳисоб. -Т.: «Меҳнат», 2004, 536 б.
14. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиёев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2008.
15. Молиявий ҳисоб. SARANA корпорацияси, -Т.: 2005-2008.

16. Сотиволдиев. А., Иткин Ю. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. (Янги счётлар режаси асосида), ПБваАА-2005, 1-2том.
17. Фуломова Ф. Бухгалтерия ҳисобидан мустақил ўрганиш учун қўлланма. -Т. "Norma" 2009.
18. Ҳасанов Х.Б Бошқарув ҳисоби. Дарслик./ Х.Б Ҳасанов. – Т.: “А. Навоий” номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти. 2005 йил.
20. Сотволдиев А. С. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма./ А.С. Сотволдиев, Б.О.Болибеков. Т-"IQTISOD-MOLIYA", 2007.
21. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йуллари/ И.Т. Абдукаримов. - Т.: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. 320 б.
22. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йуллари/ И.Т. Абдукаримов. - Т.: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. 112 б.
23. Абдуллаев А. Молиявий ҳисоб.Ўқув қўлланма/ А. Абдуллаев, Э. Муйдинов, М. Юсупова, Б. Солиев. - Б.м.: Т.:"Fan va texnologiya", 2005, 286 б.
24. Бакиева Х. Молиявий ҳисоб. масалалар туплами./ Х. Бакиева, С. Мехмонов. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007, 76 б.
25. Бободжанов О. Молиявий ҳисоб буйича амалий машғулотлар/ О. Бободжанов. - Т., 1999, 191 б.
26. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари: фанидан бакалавриат йуналишлари учун ишчи Ўқув дастури / Ҳасанов Б.А; Кузиев И.Н. - Т.: Тошкент молия институти, 2003, 21 с.
28. Бошқарув ҳисоби : фанидан бакалавриат йуналишлари учун ишчи Ўқув дастури/ Ҳасанов Б.А. - Т.: Тошкент молия институти, 2003, 17 с.
29. Бошқарув ҳисоби : Фанидан амалий машғулотлар туплами ва уларни ечиш буйича услубий курсатмалар. - Т.: Молия, 2003, 34 с.
30. Исломов Ф. "Молиявий ҳисоб " фанидан курс иши ёзиш, расмийлаштириш ҳамда химоя қилиш. Услубий қўлланма./ Ф. Исломов, А. Авлокулов. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008, 32 с.
31. Кўзиев И. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Ўқув қўлланма./ И. Кўзиев, Х. Бокиева, М. Мухамедова. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008, 224 б.
32. Очилов И.К. Молиявий ҳисоб -2. Ўқув қўлланма./ И.К. Очилов, Д.Х. Азларов, А.З. Авлокулов. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008, 292 б
- 33.Очилов И.К. Молиявий ҳисоб.Ўқув қўлланма./ И. К. Очилов, Ж. Э. Курбонбоев. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007, 486 б.
34. Пардаев А. Бошқарув ҳисоби / А. Пардаев. - Т.: Академия, 2002.
35. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби.Ўқув қўлланма./ А.Х. Пардаев, Б.Х. Пардаев. - Т.: Г.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2008, 252 б.
36. Сагдиллаев З.А. Управленческий и финансовый анализ.Сборник задач/ З.А. Сагдиллаев. - Т.: ТФИ, 2004, 72 б.

37. Сотиволдиев А.С. Молиявий ҳисобнинг Халқаро Стандартлар терминлари лугати./ А.С. Сотиволдиев; Д. Шодибекова. - Т.: Тошкент молия институти, 2004. - 51 б.

38. Управленческий учет 1. Учебное пособие. -Т.: Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана., 2006. 138 б.

39. Хамдамов Б.К. Молиявий ҳисобот. Ўқув кўлланма./ Б.К. Хамдамов, Ф.Р. Исломов, А.З. Авлокулов. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008, 172 б.

45. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби(Дарслик)/ Б.А. Хасанов, А.А. Хашимов. - Б.м.: Т.: "Иқтисод-молия", 2005, 306 б.

46. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт / Б.А. Хасанов. - Т.: Молия, 2003, 248 б.

Интернет сайтлари

1. <http://www.iaa.org.uk>
2. <http://www.iasc.org.uk>
3. <http://www.aicpa.org/index.htm>
4. <http://www.referat.uz>.
5. <http://www.gao.gov/>
6. <http://www.taxsites.com>
7. <http://www.accounting.com/>
8. <http://www.fasb.org>